O`zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 48 (558)
2007-yil
28-noyabr

Газетамизга 2008 йил учун обуна давом этмоқда.
Муштарийларимиз сафида бўлинг!
Нашр кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz

### СОҒЛОМ МАЪНАВИЙ МУҲИТ – ДАРДДАН АСРАЙДИ



**Ҳар бир инсон ўзи, оила аъзолари, атрофдагиларни ҳимоялаш учун аввало соғлом турмуш тарзига эга бўлиши лозим. Зотан, маҳалла оиладаги соғлом маънавий муҳит, хонадонларнинг осойишталиги, покдамонлик орқали бу дарддан холи яшашимиз мумкин.**

➪ 4-бет

### 5,3 миллион долларлик портрет



***Лондоннинг Sotheby's кимошди уйида ўтган савдолар чоғида қиролича Елизавета I нинг портрети 2,5 миллион фунт стерлинг (5,3 миллион АҚШ доллари) га сотилди.***

➪ 5-бет



***Мустақилликдан ўргилай, ўзбекча куйларимизнинг замони келди. Мени консерваторияга профессор қилиб олишди. Эл-юртга қилган хизматларимни инобатга олишиб давлатимиз "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирлади. Меҳнатим қадр топди.***

➪ 8-бетлар

***23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни***

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚАШҚАДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 27 ноябрь куни Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Қашқадарё округ сайлов комиссияси раиси Н.Янгибоев очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни изчил давом эттириш, фермерликни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни кенг жорий этиш, халқнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, аҳолининг реал даромадларини муттасил ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилган. Таъкидланишича, 3 йил мобайнида аҳолининг реал даромадлари 2-2,5 баробар оширилади. Шу билан бирга, маданий-маърифий ва таълим соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар изчил давом эттирилади.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда. Пенсия таъминоти тизими такомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари изчил ошмоқда. Буларнинг барчаси, ислоҳотларнинг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилиб, халқ фаровонлиги ва даромадларини муттасил юксалтиришга оид стратегик вазифалар изчиллик билан амалга оширилаётгани туфайли эришилаётган юксак натижалардир.

Ислом Каримов ўз нутқида Қашқадарё заминида вояга етган Амир Темур ва Абу Насафий каби буюк аждодларимиз билан халқимиз ҳақли равишда фахрланишини таъкидлади. Ўзбекистонда қазиб олинаётган газнинг 88, нефтнинг 93 фоизи Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келади. Шўртан, Муборак ва Кўкдумалоқда ишга тушган йирик ишлаб чиқариш корхоналари вилоятнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ҳиссасини янада оширишга хизмат қилди.

Учрашувда Қашқадарё вилояти Пахта уруғчилиги бирлашмаси раиси Шодиёр Хўжаназаров, меҳнат фахрийси Хўжам Норқобилов, Муборак газни қайта ишлаш заводи директори Ўктам Умаров, Нишон туманидаги «Лёва» фермер хўжалиги раҳбари Лев Ким, Қарши ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Зебунисо Шодиева мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини қайд этдилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби долзарб масалаларни амалга оширишнинг муҳим кафолати эканлигини алоҳида таъкидладилар.

**А.БОБОЕВ,**
**А.МУҲАММАДИЕВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**



## Улар илк бор овоз беришади

***Айни пайтда мамлакатимизда муҳим сиёсий кампания — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов билан боғлиқ тадбирлар қизғин давом этмоқда. Марказий сайлов комиссияси томонидан тавсия этилган дастур бўйича юмушлар босқичма-босқич, изчил бажариб борилаяпти. Жойларда сайловни кўтаринкилик ва уюшқоқлик билан ўтказиш чоралари кўрилмоқда. Айниқса, бу борада биринчи марта сайловда иштирок этувчилар билан ўтказилаётган мулоқотлар, ташвиқот ишларига ҳам алоҳида эътибор берилаётгани ибратли. Жумладан, Тошкент давлат юридик институтида кўплаб тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Биз ёшларнинг сайловолди таассуротлари билан танишдик.***

***— Ватанимизнинг сиёсий ҳаётида менинг ҳам ўз ўрним борлигини биринчи марта ёрқинроқ ҳис қилаяпман. Сайловга халқимизнинг орзу-истакларини амалга оширадиган муҳим жараён деб қарайман. Ва тенгдошларимни ҳам бу ҳодисага бефарқ бўлмасликларини истардим, — дейди олийгоҳнинг биринчи босқич талабаси Аваз Хўжаев.***

***Иккинчи босқич талабаси Нигора Файзуллаева эса ўз дил сўзларини қуйидагича ифодалайди:***

***— Мен овоз бериш ҳуқуқига эга эканлигимдан бахтиёрман. Бу сайлов Ватанимизнинг равнақига улкан ҳисса қўшишига ишонаман. Ўйлайманки, бу кун халқимизнинг ҳаётида тарихий сана бўлиб муҳрланади, — дейди қатъий ишонч билан ёш сайловчи.***

***Зебо АБДУҚОДИРОВА***

***Суратда: Тошкент давлат юридик институти талабалари.***

***Матбуот аҳли учун йил поёнига етаётган паллада иш қизигандан қизийди. Хусусан, бўлғуси йил учун обуна ташвиши барча газета-журналлар таҳририятларини ҳаракатга ундайди. Аслида барча таҳририятлар ҳам обуначилар сони кўп бўлишини истайди, кўпроқ муштарийлар эътиборини жалб этиш, ўқувчилар қалбига йўл топишга интилади. Лекин журналистларнинг елиб югуришлари, тунни кунга улаб қилган меҳнатлари ҳамма вақт ҳам етарли самара беравермайди.***

## ОБУНА-2008: ВИЛОЯТДА БИТТАГИНА...

***Келгуси йил учун матбуот нашрлари обунасига айрим туманларда панжа орасидан қаралаётгани хусусида***

Обуна деганлари кўпчилик билан бўладиган жамоавий тадбир. Ушбу ўзига хос мураккаб жараёнда матбуот нашрлари билан бирга жойлардаги маҳаллий бошқарув идоралари, ҳокимликлар фаол иштирок этишлари талаб этилади.

Сир эмас, бугунги кунда юртимизда маънавият ва мафкура масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Ёшларнинг сиёсий билим ва дунёқарашини кенгайтириш, четдан бўлаётган турли мафкуравий таҳдидларга муносиб жавоб бера оладиган маънавий комил авлодни тарбиялашга долзарб масала сифатида аҳамият берилмоқда. Юртдошларимизнинг сиёсий маданиятини ошириш, уларни республикамиз ва хорижда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан хабардор этиш, ёшлар тафаккурида мафкуравий билимларни шакллантириш ва оширишда матбуот нашрлари муҳим ўрин тутиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат, албатта. Шу маънода обунани ҳар бир таҳририятнинг «шахсий муаммоси» деб бўлмайди. Матбуот миллат маънавиятига бевосита дахлдор соҳа. Шундай экан, юртимизда чоп этилаётган матбуот нашрларининг ўз ўқувчилари қўлига етиб боришига маънавият ва маърифат тарғиботига мутасадди бўлган жойлардаги инсонлар ҳам масъул бўлмоқлари табиийдир. Бироқ, минг афсуски, ҳозирги пайтда бу борада ишлар ҳамма жойларда ҳам кўнгилдагидек кечмаётганини айтиш жоиз.

2008 йил учун даврий нашрлар обунаси бошланганига икки ярим ойга яқинлашиб қолди. Аммо Бухоро вилоятининг аксарият шаҳар ва туманларида обуна кўрсаткичлари пастлиги кузатиляпти. 1996 йили муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан ташкил этилган «Ҳуррият» газетаси ўтган йиллар давомида юртимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, республикамиздаги улкан бунёдкорлик ишларини мунтазам ёритиб келмоқда. Бизни ҳайрон қолдирган жиҳат шундаки, Бухоро вилояти ҳокимлиги нима учундир «Ҳуррият» газетасини даврий нашрларнинг вилоят бўйича обуна режасига ҳам киритмабди. Биз бу билан газетамиз манфаатини ҳимоя қилиш, уни зўрма-зўраки тарғиб қилиш фикридан йироқмиз. Ўқувчининг қалбидагини топиб ёзадиган газеталар кўчада қолмайди, ҳар қандай ҳолатда ҳам садоқатли муштарийлари қўлига етиб боришига ишонамиз. Лекин вилоятнинг маънавият ва маърифат соҳасига мутасадди бўлган кишилар матбуотга бу қадар эътиборсизлик билан муносабатда бўлаётганларидан афсусдамиз.

Бухоронинг турли ҳудудларида нафақат «Ҳуррият»-га, балки бошқа газета-журналларга ҳам обуна кўрсаткичлари кўнгилдагидек эмас. Масалан, Пешку туманида шу йил 26 ноябрь ҳолатига «Народное слово» газетасига 3 дона, «Правда Востока» газетасига 3 дона, «Миллий тикланиш» газетасига 4 дона, «Адолат» газетасига 7 дона, «Жамият» газетасига 9 дона обуна бўлингани қайд этилган. «Ҳуррият» газетасига эса туман бўйича бор-йўғи 2 дона обуна рўйхатга олинган.

Қоракўл туманида кўрсаткичлар бундан ҳам ачинарлироқ. Обуна мавсуми тугай деб қолганига қарамай, «Қадрият», «Ҳуррият», «Овози тожик», «Region.Uz» каби республика газеталарига бирорта ҳам обуна қилинмаган. Вилоятнинг қолган туманларида ҳам ҳолат мақтагудек эмас.

Сирдарё вилоятидаги аҳвол ҳам юқоридаги манзарани ёдга солади. 24 ноябрь ҳолати бўйича Гулистон шаҳрида «Ўзбекистон овози» газетасига 11 та, «XXI аср» газетасига 13 та обуна амалга оширилибди. Янгиер туманида эса «Қишлоқ ҳаёти» газетасига 7 та, «Народное слово» газетасига 6 та, «XXI аср» газетасига бор-йўғи 1 нусхагина обуна қайд қилинган.

Сардоба туманида республика ҳукумати ва парламенти нашри, шунингдек, бошқа марказий нашрлар севиб ўқилмайди шекилли. Туманда ҳозирга қадар «Халқ сўзи» газетасига 4 та, «Ўзбекистон овози» газетасига 2 та, «XXI аср» газетасига 1 та обуна бўлишибди.

Энг ажабланарлиси, бутун вилоят миқёсида «Ҳуррият», «Адолат», «Фидокор», «Миллий тикланиш» каби республика газеталарига бугунгача амалга оширилган обуна сони 10 нусхадан ошмайди! Вилоят бўйича республикамиз ёшларининг етакчи нашри

Давоми 2-бетда.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн иккинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси 2007 йил 30 ноябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

### *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2007 йил 29 ноябрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

**"Менинг Конституциям" танловига**

## "Фикрлаяпманми, демак яшаяпман!"

Ўзбекистон Конституцияси янгича тафаккур, кенг дунёқараш ва эркин фикр соҳиби бўлган авлодни вояга етказди

Янги ривожланиш йўлига қадам қўйган ҳар бир мамлакат, энг аввало, ўз қонунчилик пойдеворини мустаҳкамлаш, жамиятдаги барча муносабатларни тартибга солувчи Конституцияни ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Чунки асосий қонунни амалга татбиқ этмасдан туриб давлат бошқарувини тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Ўзбекистоннинг ўн олти йиллик мустақил тараққиёт йўлига назар солганда, барқарор ривожланиш, босқичма-босқич ислоҳотлар ва изчил тараққиётни кузатиш мумкин. Дарҳақиқат, мамлакатимиз ўтган қисқа давр мо-




байнида асрларга тенг ютуқларга эришди, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлди. Эришилган барча муваффақиятлар шубҳасиз Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳаётий тамойиллар, принциплар ва меъёрларнинг амалга татбиқ этилаётгани мевасидир. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Конституциямизнинг жамият тараққиётида тутган устувор аҳамиятига урғу бериб шундай деган эди: "Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий ва устувор қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида қонунчилик соҳасида ва амалий сиёсатимизда қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб қўйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир.

Давоми 3-бетда.

**Ибрат**



## Олис тоғлар бағрида

***ёхуд йигирма йил аввал бугуннинг нафаси билан яшашни ўрганган ўқитувчи Рамазон Абдуллаевнинг иш тажрибаси ҳақида***

Ўшанда туман газетасида ишлаб юрган кезларим эди. Олис тоғ қишлоқларидан келган шикоят изидан бораётиб, йўлда Гуматак қишлоғига ҳам бирров киришга тўғри келди. Бунга ўша пайтдаги собиқ қишлоқ кенгаши раисининг таклифи сабаб бўлганди. Унинг фикрича, шу қишлоқдаги оддий бир ўқитувчи ўз маблағи ҳисобидан мактаб қураётган экан. Энди, ўша замоннинг ўлчови билан бу жуда залворли, қолаверса, ҳар ким ҳам ишониб кетаверадиган гап эмасди-да. Адашмасам, эндигина мустақиллик шабадаси эсган йиллар, шахсий маблағ ҳисобидан мактаб қуриш у ёқда турсин, ҳатто кунлик рўзғор ташвишини-да қилиш минг бир муаммо эди ўшанда. Собиқ шўролар давридан қолган идоралар эшигига бош ураверib ҳафсаласи пир бўлган оддий қишлоқ ўқитувчиси ҳамқишлоқлари учун ўз ҳисобидан янги мактаб биноси қуриб беришга чоғлангани ҳақиқатда жасорат, фавқулодда бир янгилик эди.

"УАЗ"ни йўл четига буриб пастга, дарахт танасига урилаётган болтанинг бир текис овози чиқаётган уюм ёғочлар томон бордик. Бизни кўргач, қўлидаги иш қуролини кунданинг айрисига қадаган домла қилиш учун пешвоз чиқади.

— Танишинг, Рамазон Абдуллаев, қишлоқ ўқитувчиси, — дея бизни домла билан таништирди ҳамроҳимиз. — Энди, домла, айбга буюрмайсиз, мухбирлар бир кўришиб ўтайлик деганлари учун бу томонга эндик-да.

Давоми 2-бетда.

# Олис тоғлар бағрида



Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ҳамон эсимда, ўшанда домланинг қилаётган шу иши бироз ғайритабиийми-ей, шунчаки хўжакўрсинга қилинаётгандек бўлиб кўринган эди. Ахир ҳовлисидаги беш-ўн туп теракни кесиб тозалаш бу ҳали мактаб қуриш дегани эмас-да. Саккиз-ўн хонали бино кўтарилиб томи ёпилгунча, мактаб ҳолига келгунча яна қанча сарф-харажат лозим? Бу ёғи тоғ шароити бўлса...

Гарчанд беш-ўн дақиқалик суҳбат чоғида қишлоқ ўқитувчисининг қилаётган саъй-ҳаракати, ғайрат-шижоати-ю ўз касбига бу қадар меҳр қўйганига ҳавасимиз келиб, у кишига омад тилаган бўлсак-да, барибир кўзлаган манзилимизга етгунча кўнглимизда домла бошлаб қўйган ишнинг охирига етишига шубҳа оралаганини бир-биримиздан яшира олмадик. Бироқ, буларнинг бари биз ва бизга ўхшаб иккиланганларнинг шубҳа-гумони эди, холос. Негаки, домла ўша йили ният қилганидек мактаб биносини қуриб берди. Нафақат томорқадаги тол-тераклар, буларга қўшилиб қўрадаги йигирма-ўттиз бош мол-ҳолнинг ҳам баҳридан кечди. Қариндош-уруғ, ака-укалар эса қараб туришмади. "Ҳа" деган туяга мадад деганларидек, улар қўшган ҳиммат домлага мадор бўлди.

Тоғ шароити эмасми, қисқа вақт ичида қўй-қўзилар ҳам қайта кўпайди, кесилган тераклар ўрнига янгилари бўй чўзиб, иморатбоп бўлди. Мактаб эса қолди, шу қишлоқ болалари, уларнинг келажаги учун зиё маскани бўлиб.

Биз тилга олаёган ушбу воқеа Сурхондарё вилояти, Бойсун туманининг олис тоғли қишлоқ мактабида фаолият кўрсатаётган оддий ўқитувчи Рамазон Абдуллаевнинг кейинчалик бутун республика бўйлаб овоза бўлган, ҳатто давлатимиз раҳбари эътиборига тушган таълим соҳасида амалга оширилаётган ишларининг дебочаси эди, холос. Домла ўзи туғилиб ўсган Гуматак қишлоғига ишга ўтгач, бутун фикру хаёли тоғ мактабидаги шарт-шароитларни ҳам шаҳар мактабларидагига яқинлаштиришда бўлди.

— Иқтидорли болаларнинг асосий қисми қишлоқ мактабларидан чиқаётир, — деди домла бир гал халқ таълими тизимидаги раҳбарлардан бирига. — Шундай экан нега энди улар шаҳар болаларидек кенг, ёруғ синфларда, замонавий технологиялар асосида ўқимаслиги керак экан.

Кейинроқ домланинг саъй-ҳаракати ҳам шу орзуга ҳамоҳанг бўлди. 1996 йилда қуриб фойдаланишга топширилган 90 ўринли мактаб учун ўз шахсий жамғармасидан нақд 6 миллион сўм сарфлади. Ўша дамлар шунча катта миқдордаги маблағни манаман деган юрагида ўти бор инсон ҳам мактаб қурилишига ҳадя эта олмасди. Орадан бир йил ўтиб эса яна 450 минг сўм сарфлаб мактаб учун устахона қуриб, у ерга 350 минг сўмлик турли хил ўқув дастгоҳлари ўрнатиб берди. Кейинчалик ошхона, спорт майдони, мактабга кираверишда шарқона дарвоза қуриш каби ишлар учун қарийб 700 минг сўм шахсий маблағ йўналтирилди. Мактаб ички имкониятлари (маркетинг хизмати) ҳисобидан топилган 200 минг сўм эса синф хоналарини кўргазмали воситалар билан жиҳозлаш учун асқотди. Мактаб биноси ичимлик суви манбаларидан узоқдалиги туфайли бу ерда ҳам тоза сув муаммосини кўп йиллардан буён ҳатто тегишли маҳаллий мутасаддилар ҳал қила олмай хуноб эдилар. Уларга мурожаат қилишнинг ўрнига Рамазон ака бу муаммони ҳам ўз маблағи ҳисобидан ҳал этди. Кунлардан бирида эрта тонгдан беш-ўн майда молни шаҳар бозорига туширган домла кечқурун қишлоққа бир машина полиэтилен қувур билан қайтди...

Мустақиллигимиз шарофати билан мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурининг қабул қилинганлиги Рамазон Абдуллаев сингари халқ таълими жонкуярларига янада куч ва ғайрат бағишлади. 2005 йилда тоғли Гуматак қишлоғида янги мактаб биноси қурилиши бошланганида директор: "Энди буёғини давлат қилиб беради-да", деб хотиржам турмади. Қурилишнинг бошида ўзи бўлди. Ишни бажарган "Нормат" кичик корхонаси бошлиғи Норқобил Тоғаев шундай эслайди:

— 53-мактаб қурилиши кетаётган дамлар кичик корхонага мен бошлиқ эдимми ёки Рамазон акамми, баъзан ўзим ҳам фарқига бормай қолардим. Мен тез-тез қурилиш материаллари учун вилоятнинг турли бурчакларига югур-югур қилган пайтлар қурилишнинг бошида домланинг ўзлари турар эдилар. Биров бир дона тош ёки ғиштни нотўғри қўйганини билса борми, худди дарёни тескари оқизиб юборарди. Баъзан менга ҳам қаноат қилмай ўзлари қурилиш ишларига аралашиб идорама-идора югургилаб қолган пайтлари бўлди. "Сизлар чўлда эмас, тоғда мактаб қураётганингизни унутманг, — дея таъкидлашни яхши кўрардилар. — Тоғда нима кўп — нам кўп, намлик кўп бўлган жойда чўкиш хавфи ҳам юқори бўлади. Шундай сифатли иш қилингки, қурган биноларинг камида ярим аср бенуқсон хизмат қилиб берсин".

Дарвоқе, Р. Абдуллаев қурувчиларга нафақат маънавий, балки иқтисодий мадад бериб туришни ҳам унутмади. Уларнинг озиқ-овқатига шахсан ўзи бош-қош бўлиб турди, етарли иш шароитини яратиб берди. Ҳисоблаб қараса ана шундай майда тадбирлар, шунингдек, янги мактаб биносини қўшимча жиҳозлаш ишлари учун ўз ҳисобидан яна 1,3 миллион сўм маблағ харажат қилибди. Бу каби тадбирлар самараси ўлароқ денгиз сатҳидан икки минг метр баландликда жойлашган, ўзининг динозавр излари қолган қоялари билан машҳур Гуматак қишлоғида кўркамгина янги мактаб биноси қад кўтарди. Бу қаҳрамонимиз орзу қилиб келган мактабнинг айни ўзгинаси эди!

Бу ишлар кичик бир тоғ қишлоғидаги мактаб директори фаолиятидан тахсинга лойиқ юзлаб воқеаларнинг бир қисми холос. Айни пайтда домла бошчилигида мактабда таълим-тарбия соҳасида қўлга киритилаётган ибратли ишларнинг довруғи ҳам аллақачон тоғ бағридан чиқиб мамлакатимизнинг олис-олис бурчакларига етиб борганлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Ушбу мактаб 1996-99 йилларда туман мактаблари орасида барча кўрсаткичлар бўйича 2-3, 2000 йилдан эса, деярли 1-2 ўринларни эгаллаб келаётгани бу ерда таълим-тарбия ишлари қай даражада эканлигини кўрсатиб турибди. Олис тоғлар бағридаги мўъжазгина мактабда қўлга киритилаётган бу каби ибратли ишлар эса доимо республика матбуоти ва жамоатчилик эътиборида.

Р. Абдуллаев ташаббуси билан аълочи ўқувчилар ва илғор педагогларни рағбатлантириш ҳам худди шу мактабдан бошланган. Хусусан, маркетинг хизмати ва бошқа манбалардан тушаётган қўшимча маблағлар ҳисобидан аълочи ўқувчиларга стипендиялар белгилаш, изланувчи, ижодкор ўқитувчиларга рағбатлантирувчи мукофотлар бериш ўз самарасини кўрсатмоқда. Мактаб директорининг таъкидлашича, кейинги йилларда битирувчилар орасида олий ўқув юртларига кирувчилар сони кескин ошгани, рейтинг кўрсаткичлар юқори бўлаётгани, шунингдек, ёш ўқитувчиларнинг вилоят, республика танловларида кетма-кет ғолиб бўлишлари, фан олимпиадаларида энг яхши натижаларга эришаётгани ана шу тадбирлар ижобий самарасидир.

Ушбу мактаб фаолияти ҳамда Р. Абдуллаевнинг иш тажрибалари билан танишар эканмиз, бир нарса алоҳида эътиборимизни тортди. Кейинги беш-ўн йил ичида мактаб ўқувчилари



орасида бирор марта ҳам у ёки бу даражада ҳуқуқбузарлик ҳолати содир этилмаган. Агар яхшироқ мулоҳаза қиладиган бўлсак, худди ана шу ҳолат ушбу таълим масканида олиб борилаётган жамики ибратли ишларнинг йиғиндиси, ҳосиласига ўхшаб кўринади. Деярли 40 йиллик фаолияти давомида таълим соҳасида ўзига хос мактаб яратган, юзлаб олий маълумотли шогирдларни камолга етказган, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Рамазон Абдуллаев умрининг асл мазмуни, унинг ўз олдига қўйган мақсадлари моҳияти ҳам, бу ҳаётда топган бахти ҳам балки шудир.

**Даврон ОРИПОВ,**
**"Ҳуррият" мухбири.**

## Қисқа сатрларда

# Бугуннинг нафаси

● ***Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси 2008 йилни "Халқаро санитария йили" деб эълон қилди.***

***Ташкилотнинг Мингйиллик дастури доирасида 2015 йилгача зарур санитария шароитига эга бўлмаган мамлакатлар аҳолисига ёрдам кўрсатиш режалаштирилган.***

● Жиззах вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан амалга оширилган тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида 5100 куб метр тоза сув тежалди. 3800 куб метр оқава сув табиий муҳитга ташланишининг олди олинди. Атмосферага чиқарилаётган газларни 4,1 тоннага камайтиришга эришилди.



● ***Фарғонада 22-25 ноябрь кунлари «Асал байрами» бўлиб ўтди. Олтинчи марта ўтказилаётган бу тадбирда асалнинг турфа турлари (тоғ асали, ғўза асали, кунгабоқар асали...) ва асаларичиликнинг бошқа маҳсулотлари (гулчанги, асалари мумиёси — прополис, мум...) сотувга чиқарилди.***

***Вилоят асаларичилари жамияти раиси Шерали Суярқулов берган маълумотга кўра, фарғоналик 500 нафардан ортиқ асаларичилар томонидан ҳар йили 500-600 тонна шифобахш асал маҳсулоти тайёрланишига эришиляпти.***

***Байрамга келган фарғоналиклар ва шаҳар меҳмонлари табиий, шифобахш асаллардан харид қилиш имконига эга бўлдилар.***

● Фориш туманида Учқулоч қўрғошинни бойитиш корхонаси барпо этилмоқда. Бу ерда хомашёни қайта ишлаш орқали қўғошин концентрати олинади. Ундан автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби турли соҳаларда фойдаланилади. Фабрика ишга тушса, бир йилда қазиб олинадиган 1 млн. 100 минг метр куб тоғ жинсидан 500 минг тонна қўрғошин ва рух ажратиб олинади. Асосийси, маҳаллий аҳоли учун 600 дан ортиқ иш ўринлари яратилади.



● ***Кейинги пайтларда Сирдарё вилоятида япон сафроси ва каштан каби дарахтларни кўпайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.***

***Сирдарё давлат ўрмон хўжалиги тажриба участкасида ўтказилган кўргазмали илмий-амалий семинарда ҳам игнабаргли дарахтларнинг иқлим мўътадиллиги ва аҳоли саломатлиги учун қанчалик муҳимлиги таъкидланди.***

● Қарши шаҳридаги Кўкгумбаз жомеъ масжидида маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун ўқув семинари бўлиб ўтди. Тадбирда маслаҳатчиларнинг фуқаролар билан ишлаш, ёшларни ҳар хил бузғунчи оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш, соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни барпо этиш борасидаги вазифалари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.



● ***Жиззах туманида 18-ўрта мактабнинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Шу кунгача Шариллоқ қишлоғи фарзандлари ўтган асрнинг ўрталарида ҳашар йўли билан қурилган эски мактабда ўқиб келар эди. Энди эса замонавий техник воситалар ва жиҳозлар ҳам ўқувчилар хизматида.***

● Андижон вилоятида кексалар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга 671 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 2-Меҳрибонлик уйи ҳамда 9 та махсус мактаб интернатларга «ISUZU» автобусларининг совға қилиниши мамлакатимиздаги ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлди. Шунингдек, бу хайрли ишларга ҳомийларнинг 267,8 млн. сўмлик маблағлари ҳам жалб этилган. Жумладан, «Ҳамкорбанк» жамоаси томонидан Андижон шаҳридаги «Саховат» уйига «Tico» русумли автомашина ҳадя қилинди. Вилоят мухбиримиз Анваржон Ҳалимов шу ҳақда хабар беради.



● ***Урганч шаҳрида мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган халқ истеъмоли маҳсулотларининг ургуржи савдо ярмаркаси бўлиб ўтди.***

***Икки кун давом этган савдо ярмаркасида элликдан зиёд ишлаб чиқарувчилар, мингдан ошиқ турдаги маҳсулотлари билан қатнашишди. Қарийб 10 млрд сўмлик савдо шартномалари имзоланди.***

● Зарбдор туманида истиқомат қилувчи Ф. Дўсбеков исмли шахс энди "спиртдан сув ичиб" кўпаядиган мўмай даромад ҳақида ўйламайдиган бўлди. Гап шундаки, унга тегишли жами 14 млн. 208 минг сўмлик 4736 литр спирт маҳсулоти А. Ҳайитов бошқарувидаги "КамАЗ" русумли автомобилга пиёз орасига яширилган ҳолда Сурхондарёга жўнатилган эди. Аммо истеъмолга яроқсиз маҳсулот ўз эгасига етиб бормади: Ғаллаорол туманидаги "Сангзор — 15" ЙПХ масканида тўхтатиб қолинди.

Бу ҳақда Region inform ахборот хизмати хабар тарқатди.

● ***Хоразм вилоятида кузги ҳосилдан бўшаган далаларнинг шўрини ювишга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Сўнгги йилларда минтақада мелиоратив тадбирларнинг пухта равишда амалга оширилаётгани боис тупроқнинг шўрланиш даражаси камайиб бормоқда. Бу эса мўл ҳосил учун замин ҳозирлайди.***

**Зариф КЕЛДИЁРОВ тайёрлади.**

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

*«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси ва Ҳамдўстлик мамлакатларининг вақтли нашрларига обунани расмийлаштириш давом этаётганлигини ҳамда 2008 йил учун обуна мавсуми қизғин паллага кирганлигини маълум қилади.*

*Вақтли нашрларга обуна бўлиш Ўзбекистон Республикасининг барча алоқа бўлимларида, «Матбуот тарқатувчи» АКнинг обуна қабул қилиш бўлимлари ва компания таркибидаги шўъба корхоналари ҳамда масъулияти чекланган жамиятларда Сиз учун қулай бўлган вақтда амалга оширилади. Нашрларнинг ўз вақтида етказиб берилиши ва мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилиши кафолатланади.*

Сиз ана шу ҳақда қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:
133-08-34, 134-85-99

# ОБУНА-2008: вилоятда биттагина...

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

«Туркистон» газетасига 43 та, «Ўзбекистон овози» газетасига эса 46 дона обуна бўлинганини ҳам тушуниш қийин. Ҳарқалай, бу ҳолат вилоят аҳлининг матбуот нашрлари мутолаасига эътиборсизлиги билан эмас, маънавий-маърифий соҳадаги вазифаларга етарлича эътибор берилмаётганлигини кўрсатмайдими?

Жиззах вилоятида ҳам 2008 йил учун республика газеталарининг обуна кўрсаткичлари паст даражада. «Жиззах почтаси» АЖнинг маълумотларига қараганда, 2007 йилнинг 26 ноябри ҳолати бўйича вилоят миқёсида «Жамият» газетасига 53 та, «Молодёжь Узбекистана» газетасига 20 дона, «Ҳуррият» ва «Фидокор» газеталарига 17 донадан, «Моҳият» газетасига 13 дона, «Миллий тикланиш» газетасига 9 дона обуна бўлинган, холос. Матбуот нашрлари орасида маънавият тарғиботига катта ўрин бериб келаётган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига эса бор-йўғи 24 дона обуна қилинибди. «Тафаккур» журналига эса бор-йўғи 7 нусха обуна бўлинганидан кейин бошқа ҳудудий нашрлар ҳақида нима дейиш мумкин?

Ахборот кураши шиддат билан кетаётган бир пайтда матбуотга, оммавий ахборот воситаларига эътиборсизликни оқлаб бўлмайди. Газета-журналларнинг ўз ўқувчиларига етиб боришига эътиборсизлик матбуотдан узоқлашиш маърифатдан узоқлашиш эканини наҳотки айрим туман мутасаддилари англамаётган бўлсалар?

Давлатимиз раҳбари Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табригида юртимизда эришилаётган улкан муваффақиятларда матбуотнинг ўрнига юқори баҳо бериб шундай деган эди: «Ҳозирги кунда халқимиз янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида қандай юксак марраларга эришган бўлса, уларнинг барчасида, ҳеч шубҳасиз, заҳматкаш матбуот аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини шахсан мен ҳеч қачон унутмайман».

Айтиш кераккки, давлатимиз раҳбарининг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори ижросини амалга оширишда ҳам матбуот яқин кўмакчидир. Зеро, ёшларни ватанпарварлик, она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашдек маънавий-маърифий ишларни газета-журналларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Яна саноқли кунлардан кейин 2007 йилнинг сўнгги ойига қадам қўямиз. Мамлакатимиз ҳаётида жуда катта сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳам 23 декабрда бўлиб ўтади. Ушбу муҳим воқеа ҳам фуқароларимизнинг матбуот оламига янада яқинроқ бўлишларини тақозо этади. Ўйлаймизки, матбуот нашрларининг ўқувчилар қўлига етиб бориши, маънавий-маърифий тарғиботга эътиборсизлик билан муносабатда бўлаётган туманларда аҳвол ижобий томонга ўзгаради. Зеро, матбуот — ҳаётимизнинг кўзгуси. Унинг халқимиз орасига кенгроқ кириб боришига ҳисса қўшмоқ энг савобли иш десак хато бўлмас.

**Шавкат НОСИРОВ,**
**журналист**

**Хабар**

# Китобхонлар баҳслашди

***Халқ таълими вазирлиги қошидаги Республика ўқувчилар саройида "The Big Wild Read" (Энг кўп ўқиш мусобақаси) ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

***Вазирлик қошида 2007 йил апрель ойидан ресурс ва тараққиёт маркази ўз фаолиятини бошлаган эди. Очилганига кўп вақт бўлмаган бўлса-да, 300 дан ортиқ аъзоларига эга ва доимий равишда фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўқувчининг китоб ўқиш кўникмаларини ривожлантириб бориш мақсадида ресурс ва тараққиёт маркази қўшимча тадбирлар олиб бормоқда. 1 августдан 17 ноябрь кунигача бўлиб ўтган "The Big Wild Read" мусобақаси бунга мисол бўла олади. Мусобақада элликка яқин кутубхона аъзолари иштирок этишди.***

***Тақдирлаш маросимида фахрли ўринларни қўлга киритган иштирокчиларга қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. Ғолиблар кутубхона сертификати ва кумуш медаллар билан тақдирландилар.***

**Нигора ҒОЙИБОВА**

# Экологик маданият

## она-табиатни авайлаб-асрашимиз учун муҳим шартдир

Инсоният маданийлашгани сайин унинг хоҳиш-истаклари кўпайиб, табиатга таъсири ҳам тобора ортиб борди. Бугунга келиб, она-табиат ва унинг фарзанди — инсоният ўртасида гуё қандайдир душманчилик муносабатлари пайдо бўлгандек. Иқлим ўзгариши натижасида асрий музликларнинг эрий бошлаши ва унинг оқибатида океан сатҳининг кўтарилиши, озон қатламининг катталашиши, чўлланиш суръатининг ортиб кетиши, тупроқ унумдорлигининг пасайиши, шўрланиш, сув ҳавзаларининг қуриши, сувнинг ифлосланиши, чиқинди уюмларининг кўпайиши... эҳ-ҳе, бу экологик муаммоларнинг адоғи йўқ! Бой берилган ва маҳв этилган нарсаларнинг ўрнини тўлдириш эса жуда мушкул. Лекин вазиятни янада чигаллаштирмаслик, муаммоларга бўйнидан ботган глобал дунёни янаям ботирмаслик учун ҳар бир Ер фарзанди бугун табиат қай аҳволга тушиб қолганлигини ҳис этмоғи, авлодлар учун ифлосланмаган сув, заҳарланмаган ҳаво, шўрланмаган ер... қолдиришга ҳаракат қилмоғи зарур. Одамлар онгига буни етказиш учун эса ОАВнинг аҳамияти катта. Жадидлар бежизга: «Матбуот — катта ёшлилар мактаби», демаган. Мана шу жиҳат «Экосан» халқаро ташкилоти ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг ўзаро ҳамкорлик ришталарини боғлашига сабаб бўлди. «Марказий» меҳмонхонасида бўлиб ўтган «Матбуот минтақавий ва глобал экологик таҳдидлар шароитида» мавзусидаги медиафорумни ана шу ҳамкорлик самараси дейиш мумкин.

Тадбир аввалида «Экосан» халқаро ташкилоти президенти, профессор Юсуфжон Шодиметов йиғилганларни медиафорумнинг мақсад ва вазифалари билан таништирди, экологик мавзуда ёзаётганда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги, ташкилот ва журналистлар орасидаги ҳамкорлик алоқалари ҳақида маълумот берди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Хайрулла Ибрагимов сўзга чиқди. Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов медиафорум доирасида белгилаб олинган мақсадларнинг амалга ошишига ишонч билдирар экан мавзуга оид ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди. Шунингдек, ижодий уюшма бу каби хайрли ишларга доим бош қўшиб келаётганини ва бундан кейин ҳам шунга тайёрлигини таъкидлаб ўтди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоевни жамоатчилик экология мавзусида ёзган долзарб мақолалари билан ҳам яхши танийди. Устоз журналист матбуотда экология мавзусидаги чиқишларни жонлантириш учун «Экосан» йўлланмаси»ни жорий қилиш таклифини билдирди ҳамда мутасадди раҳбарлардан тортиб оддий одамларгача экологик маданиятни ошириш зарурлиги ҳақида сўз юритди.

Юсуфжон Шодиметов бу таклиф ва мулоҳазаларни қўллаб-қувватлар экан, «Ҳа, биз доим аҳоли экологик маданиятини ошириш ҳақида гапирамиз. Аввало, тегишли шахсларнинг экологик маданиятини шакллантириш лозим. Хазонни тутатиб қўйиб, ичида бемалол юрган оқ халатли шифокорларни кўп бор учратганман», – дея таъкидлади у.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вакили Ботир Азимов иштирокчилар эътиборини Орол муаммосига қаратди: «Кейинги йилларда бу ҳақда гапирмай қўйдик. Ваҳоланки, Орол муаммоси ўз глобаллигини йўқотгани йўқ. Денгизнинг 4,5 млн. гектари қуриган. Бу ердан миллион-миллион тонна туз ҳавога кўтарилаётир. Минтақавий давлатлар ҳамкорликда Орол муаммосини ҳал қилиш борасида дастур ва амалий иш режасини тузмоқлари лозим».

Академик Жўрақул Сатторов асосан ер экологияси ҳақида фикр юритди. Экологик медиафорум сўнгида баҳс-мунозара бўлиб ўтди.

Медиафорум

**Фаррух ЖАББОРОВ**

# Ҳаво тўлқинларида

## Тил, миллат ва келажак

"O'zbekiston" телерадиоканалида дастлаб "Ўзбегим" номи билан иш бошлаган "Тил ва миллат" эшиттириши фақатгина ўзбек тили имкониятлари, тараққиёти ва муаммоларига бағишланган эди. Эндиликда эса бу лойиҳа нафақат ўз тилимиз, балки ёшларимиз ўрганаётган чет тиллари ва ўзбек тилини ўрганаётган хорижликлар учун ҳам севимли дастурга айланди.

Мазкур эшиттиришни ҳафтанинг ҳар жума куни соат $9^{30}$ *дан* $9^{45}$ *гача бўлган вақт оралиғида "O'zbekiston" радиоканали тўлқинларидан тинглашимиз мумкин.*

## Ҳиндистонда нима гап?

Ҳинд киноси мухлислари ва бу юртни афсонавий диёр дея баҳолайдиганлар учун "Намасте Ҳиндистон" эшиттириши ҳақида батафсил сўзлаб беришга ҳожат бўлмаса керак. Боиси улар энг сўнгги ва ҳаққоний маълумотларни "Yoshlar" радиоканалида ҳар пайшанба соат $11^{15}$ да эфирга узатиладиган айнан шу лойиҳадан топишади.

«Намасте Ҳиндистон» ойнинг биринчи пайшанбасида ҳинд тили ихлосмандларини хушнуд қилса, иккинчи ҳафтада мамлакатдаги бирор шаҳарга ғойибона саёҳат уюштиради. Боливуд юлдузлари мухлислари эса учинчи ҳафтада энг охирги хабарлардан баҳраманд бўлишади. Ойнинг охирги эшиттириши тингловчиларнинг мактублари таҳлилига бағишланади.

Лойиҳа муаллифи ва бошловчиси, «Боғбон», «Вир ва Зара», "Зулмат", "Менинг исмим масхарабоз" каби ўнлаб ҳинд киноларининг моҳир таржимони Аҳмаджон Қосимовнинг фикрларини эшитдик:

— Дастурни тайёрлаш жараёнида биринчи ўринда ўзимнинг Ҳиндистон билан боғлиқ ҳаётий тажрибамга суянаман. Эшиттиришнинг кейинги сони мухлисларнинг мактублари асосида тайёрланади.

## «Mash'al»да бадантарбия

Айни пайтда «Mash'al» радиоканалида "Спорт дастурлари" муҳарририяти томонидан бир қатор янги лойиҳалар тайёрланиб эфирга узатилмоқда. "Спорт+латифа", "Спорт тест", "Биласизми..." шулар жумласидандир.

Яқинда радиоканал тингловичлари ҳар куни эрталаб $6^{50}$ да "Эрталабки бадантарбия" саҳифасини тинглаб, бошловчи билан биргаликда гимнастика машғулотларига киришиш имконига эга бўлишди. Эрталабки бадантарбия яхши кайфият улашади. Эрта тонгдаги кайфият эса кун давомида ҳамроҳ бўлиши шубҳасиз.

## "Спорт + Латифа"

«Mash'al» радиоканалида шу номли лойиҳа эфирга узатилаётганига кўп бўлгани йўқ, аммо ўз мухлисларини топишга улгурди.

— Кишилар орасидаги суҳбатлар жараёнида спортга алоқадор "теша тегмаган" фикрларни эшитамиз ва уларни тингловчиларимиз билан баҳам кўрамиз. Бевосита эфирларимиз давомида кўплаб мухлисларимиз "Спорт + Латифа"лар манзур бўлаётгани ҳақида айтишяпти. Бу эса бизга янада жиддийроқ масъулият юклайди, — дейди саҳифа муаллифи Норбек Ниёзов.

**Ситора ТОЖИДДИНОВА**

# "Фикрлаяпманми, демак яшаяпман!"

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Дунёнинг ривожланган давлатлари тараққиёт моделини таҳлил этганда, ўзаро уйғун ҳолат кўзга ташланади. Тараққиёт чўққиларини забт этган етакчи давлатларнинг барчаси янги жамият бунёд этиш йўлидаги илк қадамларни илғор тафаккур маҳсули бўлган Конституция қабул қилишдан бошлаган. Ҳали ҳаётнинг оқу қорасини танимаган мурғак гўдакнинг келажакда ким бўлиши, қайси йўлдан бориши унга илк паллаларда берилган таълим-тарбияга боғлиқ. Худди шу каби эндигина тетапоя қилаётган давлатнинг қайси йўналишдан кетиши, истиқболда қандай натижаларга эришуви кўп жиҳатдан дастлабки лаҳзаларда қабул қилинган қарордан келиб чиқади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, дастуриламал ҳужжат саналган Конституция давлатнинг фақатгина оёққа тураётган дастлабки лаҳзалардаги тақдирини белгилаб қолмай, келажак йўлини ҳам кўрсатиб беради.

Адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган Ўзбекистонда ҳам ана шу ҳаётий тажрибадан самарали фойдаланилди. Мустақилликнинг иккинчи йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлатимизни ривожлантириш истиқболлари, тамойиллари ва стратегияси аниқ белгилаб берилди. Асосий Қонун ижтимоий барқарорлик пойдевори сифатида адолатли фуқаролик жамияти бунёд этишнинг ҳуқуқий кафолатига айланди. Халқимиз тафаккури ва сиёсий донишмандлигининг юксак ифодаси бўлган ҳужжат кўп замонлар коммунистик тузум занжирлари остида яшаган жамиятни эркинлаштириш имконини берди. Таъбир жоиз бўлса, Конституциянинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг тенглар ичра тенг суверен давлат сифатида дунё ҳамжамияти сафига қўшилганини исбот этди.

Асосий Қонун қабул қилиниши ва кучга кириши билан мамлакатимиз ҳаётида юз берган ижобий ўзгаришлар жуда ҳам кўп. Лекин, назаримизда, Конституция туфайли эришган энг катта ютуқларимиздан бири сифатида юртдошларимиз, хусусан ёшларимизнинг тафаккур тарзи ўзгарганини эътироф этиш жоиз. Маълумки, собиқ шўро даврида бир қолипда, рухсат этилгандек фикрлаш тартиби ҳукмрон бўлган эди. Одамлар қўрқув ва таҳлика муҳитида бошқарилган жамиятда эркин сўз айтувчилар таъқиб-тазйиққа дучор этилганди.

Конституцияда фуқароларнинг бир қатор ҳуқуқлари қаторида сўз ва фикр эркинлиги кафолатланди, қадрият сифатида эътироф этилди. Бу эса жамиятда эркин фикрловчи, мустақил позиция ва нуқтаи назарига эга бўлган, ўз қарашларини дадил билдирадиган, керак ўринларда ҳимоя қиладиган салоҳиятли ёшларнинг етишиб чиқиши омили бўлди.

"Фикрлаяпманми, демак, яшаяпман!" дейди мутафаккирлардан бири. Дарҳақиқат, фикрлаш инсонга хос бўлган юксак маънавий фазилатдир. Аслида Одам ато авлоди фикрлаш неъмати туфайли бошқа жонзотлардан азиз ва мукаррам этилганида ҳам чуқур рамзий маъно бор.

Фикрловчи авлод ҳамма даврларда ҳам жамиятни олға бошлаган, тараққиёт сари етаклаган. Шу маънода Конституцияда қарор топган кафолатлар асосида янгича фикрлайдиган, кенг тафаккур ва дунёқарашга эга бўлган авлоднинг шаклланиб келаётгани келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Ҳар қандай қонуннинг нечоғли самарадорлиги, мукамаллиги ва жамиятга наф келтириши биринчи навбатда унинг ҳаётга қандай татбиқ этилаётгани билан баҳоланади. Зеро, ҳаётийлик қонун ҳужжатининг қудрати ва кучини белгилаб берувчи энг муҳим мезондир. Агар муайян муносабатларни тартибга солувчи қонун мавжуд бўлса-ю, ҳаётга татбиқ этилмаса, қоғоз қоралашдан бошқага хизмат қилмайдиган бундай ҳужжат жамиятга фақат зарар етказади. Чунки юридик жиҳатдан кучга кирган, бироқ ҳаётда амалий ифодасини топмаган қонун жамиятда жиноятларни авж олдиради, мувозанатни таъмин этган жавобгарлик ва масъулият туйғусини йўққа чиқаради.

Ўзбекистон Конституцияси моддаларида ҳам умрбоқий ва ҳаётий тамойиллар, халқимизнинг юксак орзу-мақсадлари ифодаланган. Ушбу моддаларнинг ҳаётга тўла татбиқ этилиши давлатимизнинг янада баланд поғоналарга кўтарилишини таъминлайди.

Чуқур мазмун-моҳияти, халқчиллиги, серқирралигини инобатга олиб, юртмизнинг етакчи ҳуқуқшунослари Ўзбекистон Конституциясини жаҳоннинг энг илғор ҳужжатлари қаторида эътироф этадилар.

**Мавжуда РАЖАБОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси, юридик фанлари доктори:**

*— Эркин фуқаролик жамиятини қарор топтириш Ўзбекистон халқининг улуғвор мақсадларидан бири ҳисобланади. Конституциянинг мазмун-моҳиятидан ҳам шу нарса қатъий аёнки, мамлакатимизда шакллантирилаётган жамият демократия ва адолат принципларига таянувчи инсонлар жамияти бўлади.*

**Ҳ. РАҲМОНҚУЛОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, юридик фанлар доктори, профессор:**

*— Конституция мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, шунингдек, мустақиллик йўлида эришган ютуқларнинг бош омили бўлди. Инсоннинг камолоти, унинг эркинлиги, юксак турмуш даражаси, фаровон ҳаёти ва фаол меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш Ўзбекистон Конституциясининг мазмунини ташкил этади.*

**Бахтиёр МИРБОБОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари:**

*— Конституцияда Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишининг асосий принциплари аниқ ифодалаб берилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим принцип сифатида белгиланди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг эса миллий ҳуқуқий нормалардан устунлиги ҳам Конституцияда муҳрлаб қўйилди.*

**Ҳалим БОБОЕВ, Тошкент давлат юридик институти "Давлат ва ҳуқуқ тарихи" кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор:**

*— Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёда, балки собиқ иттифоқдош республикалар орасида ҳам биринчи бўлиб ўзининг Конституциясини қабул қилган ва ислоҳотларни бошлаб юборган давлат бўлди. Бу тасодиф эмас. Зеро, Ўзбекистон барча даврларда ҳам Марказий Осиёда давлат ва ҳуқуқ соҳаларида етакчи ўринни эгаллаб келган.*

Яна саноқли кунлардан кейин давлатимизнинг Бош Қомуси қабул қилинган қутлуғ сананинг ўн беш йиллигини тантана қиламиз. Ушбу сана муносабати билан мамлакатимизнинг турли ҳудудларида анжуманлар ўтказилади, учрашувлар ташкил этилади, оммавий ахборот воситаларида ҳам ушбу мавзуда чиқишлар уюштирилади. Буларнинг барчаси Конституциянинг мазмун-моҳиятини юртдошларимизга етказиш, ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришга хизмат қилади. Лекин истардикки, Конституцияга бағишланган учрашувлар, тадбирлар фақат ушбу сана арафасида бўлиб қолмай, йил бўйи давом этсин. Зеро, Конституция фақатгина байрам арафасида эсланадиган ҳужжат эмас, Қомусимизни амалга татбиқ этиш, унда белгиланган тамойилларни рўёбга чиқариш ҳар биримизнинг кундалик фуқаролик бурчимиздир.

**Камол САЛИМОВ, «Hurriyat» мухбири.**

Ўқув даргоҳларида

# Ёш санъатсеварлар маскани

Халқимизнинг минг-минг йиллик анъаналари ва қадриятлари силсиласида қадим юртимизнинг ўзига хос ўрни мужассам. Қувонарлиси, санъатга хос оҳанг ва жилолар бугунги кун ёшлари саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ, янада камол топмоқда. Хусусан, Термиз санъат коллежи ана шундай ёш санъат ихлосмандларини тарбиялаб камолга етказаётган илм масканларидан биридир. Мазкур муассасада ўқувчилар нафақат миллий санъатимиз, балки, бошқа миллатлар санъатига хос билимларни ҳам чуқур ўрганишмоқда.



Санъат коллежида айни пайтда фортепиано бўлими, халқ чолғу асбоблари, дамли чолғу асбоблар, анъанавий хонандалик, анъанавий созандалик, академик ашула, хор дирижёрлиги, хореография, маданий ва маърифий ишлар, кутубхонашунослик, тасвирий санъат, бошланғич таълим (меҳнат ва тасвирий санъат йўналиши) бўйича малакали устозлар ёшларга билим беришмоқда. Муассаса педагогик жамоаси ёшларга санъат сирларини ўргатиш билан бир қаторда, уларнинг маънан баркамол бўлиб улғайишларини таъминлашни ҳам ўзларининг бирламчи вазифалари деб биладилар.

Мамлакатимизда таълим соҳасини ислоҳ қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда, – дейди коллеж директори Х.Примов. – Хусусан, бу йил қабул қилинганлигига ўн йил тўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда "Таълим тўғрисида"-ги қонун асосида ўзбекона таълим-тарбиянинг ўзига хос модели яратилганлиги эътиборлидир. Бу ислоҳотларнинг ижобий натижаси кўп жиҳатдан бугунги ёшларга, уларнинг пухта таълим-тарбия олишларига ва маънан ҳамда жисмонан баркамол бўлиб улғайишларига боғлиқлиги сир эмас.

Коллежда ўқувчиларнинг маънавий камолотига йўналтирилган турли тадбирлар ҳақиқий байрам тусини олиши бежиз эмас. Умумхалқ байрамлари муносабати билан ўтказиладиган, шунингдек: коллеж маъмурияти ташаббуси билан ташкил этиладиган турфа тадбирларда ўқувчилар иқтидори чархланади.

Коллежда ҳар бир ўқув йилининг якунида ҳисобот концертини ўтказиш яхши бир анъанага айланган. Хусусан, ўтган ўқув йили якуни муносабати билан июнь ойида бўлиб ўтган ҳисобот концерти, айниқса, битирувчилар учун ҳақиқий байрамга айланди, десак муболаға бўлмайди. Концертда коллежнинг барча бўлим ва кафедралари иштирокида куй ва қўшиқлар маромига етказиб куйланди, рақс рақсга уланди. Концерт дастури вилоят телевидениеси орқали томошабинларга намойиш этилиб, ёш санъаткорлар юртдошларимизнинг олқишига сазовор бўлдилар. Айни пайтда ўқувчилар галдаги ҳисобот концертига тайёргарликни бошлаб юборишган. Бу каби тадбирларда иқтидорларини чархлаб бораётган ўқувчилар "Келажак овози" каби нуфузли танловларда ҳам фаол иштирок этиб келишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Термиз санъат коллежи жамоаси фақат бир йўналишда чекланиб қолмай, ўқувчи-ёшлар таълим тарбиясига алоқадор ҳар бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратишаётир.

**Соатмўмин ЖУМАЕВ** ®

Савол-жавоб

# Солиқ имтиёзларидан хабардормисиз?

**— Мамлакатимиз қонунчилигида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар учун солиқ борасида жуда кўп имтиёзлар берилган деб эшитганман. Шу тўғрисида батафсил маълумотни қаердан олиш мумкин? Дейлик, юридик шахс сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи эдим. Қонун бўйича солиқ борасида қандай имтиёзлардан фойдалансам бўлади?**

**Ёркин ҲАЙДАРОВ, Фарғона вилояти.**

***Бу саволга Тошкент шаҳар солиқ бошқармаси юридик шахсларни солиққа тортиш бўлими бошлиғи ўринбосари Муҳиддин ЗАЙНИДДИНОВ жавоб беради:***

— Дарҳақиқат, мамлакатимиз қонунчилигида ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган юридик шахслар учун солиқ борасида бир қатор имтиёзлар берилган. Савол муаллифи бўлган юртдошимизнинг қандай солиқ имтиёзларидан фойдалана олишлари, энг аввало, у киши бошламоқчи бўлган тадбиркорлик фаолияти йўналишига боғлиқ. Мамлакатимиз солиқ қонунчилигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, фуқаролар ва юридик ташкилотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида фаолият йўналишлари бўйича имтиёзлар жорий этилган. Айтиш керакки, юридик шахсларга берилган имтиёзлар солиқ тўловларининг турли кўринишлари бўйича татбиқ этилади. Шу боис ҳам, жорий этилган имтиёзнинг қайси солиқ турига тааллуқли эканини билиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 31-моддасида юридик ташкилотларга даромад (фойда) солиғи бўйича берилган имтиёзлар кўрсатилган. Бунга кўра, протез-ортопедия буюмлари, инвентари ишлаб чиқаришга, шунингдек, ногиронларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган юридик шахслар асосий фаолияти бўйича даромад солиғидан озод этилади. Шунингдек, шаҳар йўловчи ташиш транспорти (таксидан, шу жумладан, йўналишли таксидан ташқари) хизматлари учун, юридик шахслар тарихий ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш ишларини амалга ошириш фаолияти учун даромад солиғи тўламайди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида юридик шахслар учун бир қатор имтиёзлар белгилаб берилган. Сир эмаски, маҳаллий бозорни юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан бойитиш миллий иқтисодиётимиз тараққиётини таъминловчи омиллардан бири саналади. Ана шундан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябридаги қарори билан юртимиздаги истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга қатор имтиёзлар жорий этилган. Бунга кўра, истеъмол моллари ишлаб чиқариш корхоналари даромад солиғини белгиланган ставкадан 20 фоиз камайтирилган тартибда тўлайдилар. Болалар учун истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар эса даромад солиғига 7 фоизли ставкада тортиладилар. Микрофирмалар ва кичик корхоналар истеъмол моллари ишлаб чиқаришдан олинган даромад бўйича 25 фоиз камайтирилган тартибда ягона солиқ тўловини амалга оширадилар. Шунингдек, корхоналарнинг истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобидан олган фойдаси даромад ва ягона солиқ тўловидан озод этилади. Ҳукумат қарорида нооэиқ-овқат истеъмол товарлари (тамаки маҳсулотлари ва заргарлик буюмлари, кир совун ва атир-совун, шунингдек, бензиндан ташқари) ишлаб чиқарувчи корхоналар акциз солиғини тўлаш мажбуриятидан озод қилиниши ҳам кўзда тутилган. Барча ҳолатларда ҳам тўловдан озод этилган маблағ ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот ассортиментини кўпайтиришга йўналтирилиши керак. Ушбу имтиёзлар 2003 йилнинг 1 январидан 2007 йилнинг 31 декабрига қадар амал қилади.

Юртимизда хўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқариш технологияларининг доимий янгилаб борилиши, асбоб-ускуналарни модернизация қилиш доимий рағбатлантириб борилмоқда. Масалан, микрофирма ва кичик корхоналар сотиб олинган янги технологик ускуналар учун беш йил муддат ичида 25 фоизгача камайтирилган тартибда қўшимча қиймат солиғига тортиладилар.

Боғдорчилик ва узумчилик бой табиий манбаларга эга бўлган юртимизнинг аграр саноатида муҳим ўрин тутади. Мазкур соҳани ривожлантириш мавжуд ички манбаларимиздан фойдаланган ҳолда миллий даромадни ошириш, экспорт салоҳиятини кучайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш имконини беради. Ушбу йўналишда ташкил этилган агрофирмалар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб қатор иқтисодий имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин. Ширкат хўжалиги негизида ташкил этилган боғдорчилик ва узумчилик фермер хўжаликлари беш йил муддат ягона ер солиғи тўламаслиги мумкин. Қайта ташкил этилган агросаноат фирмалари эса даромад, ер, мулк ва қўшимча қиймат солиқлари ҳамда ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилади.

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш мақсадида солиқ борасида енгилликлар жорий этилган. Хусусан, қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини олиб борадиган микрофирма ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини ялпи даромаднинг 13 фоизи миқдорида тўлайди. Шунингдек, қимматли қоғозлар операцияларини қўшимча қиймат солиғидан озод этиш бўйича ҳам алоҳида имтиёзлар белгиланган.

Президентимиз томонидан 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорда айрим турдаги хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар учун даромад солиғи ва ягона солиқ тўловидан озод этиш тарзидаги имтиёзлар жорий этилган. Бунга кўра, банк-молия, лизинг, суғурта, аудиторлик, бухгалтерлик ҳисобини юритиш, микрокредитлаш хизматлари билан шуғулланадиган юридик шахслар уч йил муддатга даромад (фойда) солиғидан озод этилади. Шунингдек, пойабзал ва чармдан тайёрланган буюмларни таъмирлаш, соатсозлик, маиший электроника асбоб-ускуналарини созлаш билан боғлиқ хизматлар, таълим соҳасидаги хизматлар, шу жумладан компьютерда ишлашни ўргатиш билан шуғулланадиган юридик шахслар ҳам мазкур имтиёздан фойдаланадилар. Бундан ташқари, ушбу имтиёзлар санаторийлар, ахборот-ресурс марказлари, болалар соғломлаштириш муассасалари, ахборот-кутубхона марказлари, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари хизматларига ҳам татбиқ этилади. Мазкур имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2010 йилнинг 31 декабрига қадар узайтирилган.

Мамлакатимиз қонунчилигида юридик шахслар учун солиқ борасида жорий этилган яна кўплаб имтиёзларни санаб ўтиш мумкин. Бу борадаги батафсил маълумотларни жойлардаги солиқ идораларидан олиш мумкин.

**Шукрулло МУСЛИМУРОДОВ, Тошкент давлат юридик институти магистранти ёзиб олди.**

***Таҳририятдан:***
***Ҳурматли муштарийлар! Сизларни солиқ қонунчилигига оид яна қандай масалалар қизиқтиради. Ана шу ҳақда бизга ёзиб юборинг. Саволларингизга соҳа мутахассислари жавоб беришади.***

**Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: «Демократик жамият қурилишида аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва фуқароларнинг фаоллигини ошириш масалалари».**

### 1 декабрь — Халқаро ОИТСга қарши кураш куни

# СОҒЛОМ МАЪНАВИЙ МУҲИТ – ДАРДДАН АСРАЙДИ

***Инсоният мисли кўрилмаган фожиа билан юзма-юз турибди. ОИВ инфекцияси эпидемияси бошланганидан чорак аср ўтган вақтдан буён касаллик бутун дунёдаги давлатлар ва халқларга катта зиён келтирди. 65 миллиондан ортиқ киши вирус билан зарарланиши натижасида 25 миллион киши ҳаётдан кўз юмди. 15 миллион бола ота-онасиз қолган бўлса, 40 миллиондан ортиқ одам ОИВни юқтирган ҳолда яшамоқда. Шунингдек, мутахассисларнинг таъкидлашича, ер юзида ҳар йили беш миллионга яқин киши ўзига ОИВ касаллиги вирусини юқтирмоқда. Беморларнинг уч миллион нафарга яқини эса ҳаётдан кўз юмаётир. Миллионлаб кишилар ҳаётига зомин бўлаётган ОИТС касаллиги вирусидан инсон ўзи ва оила аъзолари, яқинларини қандай қилиб сақлашлари лозим? Касалликнинг кескин авж олишини бартараф этиш мумкинми? Шу ва шу сингари саволларга жавоб олиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли республика ОИТС (СПИД) маркази эпидемиология бўлими мудири, олий тоифали шифокор Носир ЖЎРАЕВга мурожаат этдик.***

***– Носир Жўраевич, бугунги кунда ОИТС касаллигига қарши кураш халқаро миқёсда олиб борилмоқда. Ундан қандай натижаларга эришилди?***

– ОИТС дунё мамлакатларида энг глобал муаммолардан бирига айланди. Мазкур касаллик ижтимоий аҳамиятга молик касалликлардан бири саналгани боис, у нафақат тиббиёт ходимлари, балки, жамики инсоният олдидаги ҳал этилиши лозим бўлган энг долзарб масала ҳисобланади. Шу муносабат билан 2001 йилда БМТда ОИТС муаммосини ҳал этувчи мамлакатлар ҳукумат раҳбарлари иштирокида анжуман ўтказилиб, унда 2001 йилга қадар касаллик тарқалишининг бартараф этиш борасида амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил этилиб, касалликнинг олдини олиш ҳақидаги декларация қабул қилинган эди. Ўтган 2006 йилда ҳам ОИТС билан боғлиқ масалалар БМТ бош ассамблеясида қайта кўриб чиқилди.

Бугунги кунда касаллик вирусини инсон организмидан ҳайдаб чиқарувчи биронта дори ёки вакцина ишлаб чиқарилган эмас. Сабаби бу касалликни келтириб чиқарувчи вирус бошқа касаллик вирусларидан тубдан фарқ қилади. У инсон организмидаги тирик тўқималарда ўсиш хусусиятига эга. ОИТС вируси инсон организмидаги тўқималарга жойлашиб олиб кўпаяди. Вирус юққан организмда бир кунда бир миллиардга яқин вирус бўлакчалари ажралиб чиқиб, қонда айланиб юради. (Шунинг учун ҳам бу хасталик орттирилган иммунитет танқислиги синдроми деб аталади).

Аввалига танада касаллик аломатлари сезилмайди. Чунки қонда вирус бўлакчалари кўпайиб борса ҳам организм маълум вақт унга қарши кураша олади. Кузатишлардан маълумки, касалликнинг клиник белгилари айрим беморларда 1-1,5 йилда, баъзиларда эса 10-11 йилда намоён бўлади. Касалликнинг эрта ёки кеч юзага чиқиши организм ҳамда ташқи муҳит таъсирига боғлиқ. Касаллик аломатлари анча кеч юзага чиққан беморлар эпидемиологик хавфли ҳисобланади. Чунки бемор танасидаги касаллик вирусларини ўзлари билмаган ҳолда бошқаларга (жинсий шерик ёки гиёҳванд моддани бирга қабул қилган шерик) юқтириш эҳтимоли бор. Касаллик аниқланган вақтдан бошлаб бемор доимий назоратда бўлади.

***– Касаллик вируси асосан қай тарзда юқади?***

– Эпидемиолог – мутахассислар касалликнинг юқиш йўлларини ўрганиб чиқиб, уни уч турга бўлган. Жумладан, жинсий алоқа орқали, парентриал йўл билан, бунда тана бутунлиги бузилиб манипуляция қилиниши натижасида касал одамнинг қони орқали соғлом одамга ўтади. Шунингдек, касаллик вируси билан хасталанган аёллар ўз ҳомилаларига вирус юқтиришлари эҳтимоли бор.

Таъкидлаш жоизки, касалликнинг онадан болага ўтиш йўли ҳам уч даврга бўлинади. Энг аввало йўлдош орқали ўтиши мумкин. Йўлдош – она организмидаги вақтинчалик орган бўлиб, у организмга тушган вирус заҳарини ҳомилага ўтказмай турувчи ҳимоя қобиғидир. Йўлдош соғлом бўлса, демак ОИТС билан касалланган онадан соғлом бола туғилади.

Бундан ташқари болага касаллик вируси узоқ давом этган туғуруқ жараёнида ҳам юқиши мумкин. Жараён қон кетиши билан кечганлиги сабаб шилинган жойлардан танага вирус юқиши эҳтимоли юзага келади. Қолаверса, она фарзандини эмизаётганида ҳам касаллик бола организмига ўтади. Юқорида гувоҳи бўлганингиздек, вирус танага турли йўллар билан юқади, аммо вирус аксарият ҳолларда қонда учрайди. Таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, кўз ёши ва сўлакларда ҳам касаллик юқтирувчи вирус бўлса-да, бироқ кўз ёш ва сўлаклар орқали вирус юқмайди. Негаки, улардаги маълум бир ферментлар вирусларни кучсизлантириб ўлдиради.

Ер юзи аҳолиси ўртасида касалликнинг 70-80 фоизи қон орқали, 10-15 фоизи жинсий алоқа ва бошқа йўллар билан юқмоқда. Мамлакатимизда эса беморларнинг 59 фоизи гиёҳванд моддалар қабул қилувчилар бўлса, 14-15 фоизи тартибсиз жинсий алоқа қилувчилардир.

Юртимизда қоннинг хавфсизлигини таъминловчи қонунга кўра, ҳар бир қон касаллик келтириб чиқармаслиги учун аввало лаборатория текширувидан ўтказилгандан кейингина беморга қуйилади. ОИТСнинг олдини олиш қонунида ҳам, қон хавфсизлигини таъминлаш ҳақидаги қонунда ҳам Ўзбекистонга қон ва унинг таркибий қисмларини, ҳамда қон препаратларини олиб кириш ва олиб чиқиш тақиқланган. У фақатгина Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан амалга оширилади.



***– Мамлакатимизда фаолият юритаётган ОИТС марказларининг моддий техника базаси мустаҳкам деса бўладими? Қолаверса, касаллик вируси тарқалишининг олдини олиш мақсадида қандай амалий ишлар қилиняпти?***

– Жорий «Ижтимоий ҳимоя йили»да давлатимиз томонидан республикамизда 2007-2011 йилларда ОИВ-инфекциясини тарқалишига қарши курашишнинг стратегик дастури тасдиқланди. Дастур уч асосий стратегик йўналишдан иборат. Унинг биринчи йўналишида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларни дунё андозаларига мослаштиришга эришиш билан фуқароларнинг ҳуқуқини паймол этмай курашиш. Унинг моҳиятини давлат аҳамиятига молик даражага кўтаришдан иборат. Иккинчи йўналиш касаллик профилактикаси соҳасидаги стратегиясидир. Бу йўналишда асосан касалликни бир маромда ушлаб туриш, унинг ўсишига йўл қўймаслик устида иш олиб борилади. Сўнгги асосий учинчи йўналиш – ОИТС касаллигини даволаш, беморларни парвариш қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш стратегиясидир. Ушбу йўналишда беморларнинг ҳаётини яхшилаш, қўллаб-қувватлаш, умрини узайтириш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Мамлакатимиз Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлиб ОИТС вируси билан касалланган беморларни даволашда ёрдам берадиган янги замонавий дори-дармонлар сотиб олиш йўлга қўйилди. Бу антиретравир препаратлари бўлиб, у беморларнинг қонида кўпаяётган вирусларни камайтиришга ёрдам беради ва маълум муддатга бемор умрини узайтиради. Ҳозирда мазкур препарат билан даволаш ишлари республикамиз бўйича олиб борилмоқда.

Шунингдек, Вирусология институтида касалликни даволаш ишлари йўлга қўйилган. Ҳозир у ерда 30 та ўрин мавжуд бўлиб, шифокорларнинг барчаси Украинадаги тиббий масканларда малака ошириб қайтдилар. Бу йилдан қўшимча болалар бўлими ҳам ташкил этилди.

Республикамизда даволаш ишларини олиб бориш Бутун дунё Соғлиқни сақлаш ташкилотининг қабул қилган махсус протоколига биноан олиб борилмоқда. Ҳа, айтганча, ҳомиладор аёлларда ҳам даволаш ишлари бошланди. Янги йилдан эса вилоятларда ҳам ОИТС билан касалланган беморларни даволаш мақсадида ўринлар ташкил этиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда ташкил этилган 230 та ишонч хоналарига келганларнинг исми-шарифи, ёши насл-насаби, манзили сир тутилган ҳолда махсус кодлар орқали қайд этиб борилади. Бу шартли кодларни фақат уларнинг ўзларигина биладилар. Шунингдек, гиёҳвандларга шприц ва бошқа зарурий анжомлар бепул тарқатилади. Бу билан касаллик вирусининг тарқалиш хавфининг олди олинади. Ўтган йили республикамизда мавжуд ОИТС марказлари оператив шаклдаги «Дамас» автомашинаси билан таъминланган эди. Жорий йилдан мавжуд барча ОИТС марказларига тез тиббий ёрдам шаклидаги, барча тиббий қулайликларга эга бўлган «Дамас» автомашинасини етказиб бериш кўзда тутилган. Ҳозирга қадар 7 та марказга ана шундай махсус машина топширилди.

Ўтган икки йил давомида республикада 19 та диагностика лаборатория жаҳон андозаларига мос замонавий лаборатория тўпламлари билан таъминланган эди. Эндиликда туманлараро лабораторияларини ҳам 2008-2009 йилларда худди шундай диагностика тўплами билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

Қолаверса, диагностик лабораторияларда 3-4 авлодга мансуб янги тест системаси билан текширув олиб бориш йўлга қўйилди. Бу халқаро андозаларга мос тест системаси бўлиб, ижобий самара бериб, касалликни аниқлашда анча қўл келмоқда.

***– Беморга нимага асосан ОИТС ташхиси қўйилади?***

– ОИТС касаллигини юқтирган, деб гумон қилинганлардан аввало даволаш профилактика муассасаларида иммунофермент анализи учун қон олинади. Вилоятлар ОИТС маркази лабораториялирида ана шу иммунофермент таҳлили тасдиқлангач, республика ОИТС маркази қошидаги махсус лабораторияга олиб келинади. Бу ерда қон зардоби бошқа сифати юқори тест системаларда иммунофермент таҳлилида яна қайтадан текширилади.

Юқоридаги таҳлил босқичларидан сўнг охирги иммуноблот таҳлили ўтказилади. Иммуноблот таҳлили натижаси фақатгина республика ОИТС марказидагина ўтказилади. Боиси қимматбаҳо тест системалари хориждан келтирилади. Агарда киши организмида одамнинг иммунитет танқислиги вируси борлиги тасдиқланса, бемор доимо махсус тайёргарликдан ўтган врач инфекционистларнинг диспансер назоратида бўладилар. Дарвоқе, жорий йилдан беморнинг клиник ҳолатини аниқлаш мақсадида янги клиник лаборатория текшириш усули йўлга қўйилди. Мазкур усул орқали бемор организмидаги иммунологик ҳолатлар даражаси назорат этиб борилади. Борди-ю, клиник таҳлил натижасида организмда иммунологик ҳолатлар пасайиб кетганлиги аниқланса, унга керакли дори-дармонлар берилади.

***– Соҳа мутахассис кадрлари борасида ҳам тўхталиб ўтсангиз?***

– ОИТС хасталиги ўта нозик муаммо бўлганлиги боис мутахассислар танқчил. Шу соҳада ишлаш истагини билдирганлар касб маҳоартини ошириш мақсадида Тошкент врачлар малакасини ошириш ўқув курслари ташкил этилган. Ўқув машғулотлари аввал институтда, қолган ОИТС муаммолари эса республика ОИТС марказида олиб борилади. Тингловчиларга марказнинг хорижий давлатларда малака ошириб қайтган мутахассис ходимлари машғулот ўтказадилар. Бундан ташқари, олий ўқув юртлари, мактабларда ҳам ОИТС сабоқларини дарс сифатида режага киргазиш кўзда тутилганлиги боис ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ўқитувчиларни ҳам ўқитиш кўзда тутилган.

Касалликнинг юқиш йўлларини билиб олгандан сўнг, унга риоя қилинса, олам-гулистон, касаллик юқмайди. Бунинг учун касалликни келтириб чиқариши мумкин бўлган хавфли хулқ-атворлардан воз кечиш лозим. Ҳар бир инсон ўзи, оила аъзолари, атрофдагиларни ҳимоялаш учун аввало соғлом турмуш тарзига эга бўлиши лозим. Зотан, маҳалла оиладаги соғлом маънавий муҳит, хонадонларнинг осойишталиги, покдамонлик орқали бу дарддан ҳоли яшашимиз мумкин.

**Наргиза ПИРНАЗАРОВА,**
**«Ҳуррият» мухбири.**

### Янги имкониятлар

# Андижонда енгил саноат ривожланмоқда



Бугунги кунда Андижон вилоятида фаолият юритаётган "Антекс", "Олтинкўлтекстил" ва "Инвестекс" қўшма корхоналарига жами қиймати 5,8 миллион АҚШ долларига тенг бўлган инвестициялар киритилди. Уларда 800 нафар ишчи меҳнат қилаётир.

2007-2008 йилларда 23та саноат корхонасига 88,1 миллион АҚШ доллари ҳисобида маблағ сарфланиши белгиланган. Шундан республика Президенти қарорига асосан енгил саноат корхоналарини техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш учун 13 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Бу енгил саноат корхоналарининг ишга туширилиши эвазига йилига 40,5 минг тонна калава ип ва 6 минг тонна трикотаж ишлаб чиқариш, 72,5 минг АҚШ доллари ҳажмидаги маҳсулотни экспорт қилиш имкони туғилади. Натижада 3150 иш ўрни яратилади.Айни кунларда "Пойтуғтекс", "Тагустекстиль", "Самошертекс", "Алёртекс" қўшма корхоналари ҳамда "Асакатекстиль" акциядорлик жамияти замонавий, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш имконини берадиган дастгоҳлар билан жиҳозланмоқда. Мазкур корхоналар жорий йилнинг якунида ишга туширилади.

**Анваржон ҲАЛИМОВ,**
**"Ҳуррият" мухбири.**

# Ёнғин хавфсизлигига

## қатъий риоя этиш фалокатнинг олдини олади

Мана, куз ҳам охирлаб, аёзли кунлар яқинлашиб қолди. Ҳаво ҳарорати одамларга қиш тадоригини эслатмоқда.

Маълумки, қиш ойларида газ босими бироз пасаяди. Бундай пайтда айрим фуқароларимиз хонадонларини иситиш мақсадида газ баллонлари, кўмир ёки қўлбола иситиш мосламаларидан фойдаланишади. Тўғри, бунинг учун уларни айблаш нотўғри. Аммо, бундай мосламалардан фойдаланаётганда ҳар доим ҳам хавфсизлик қоидаларига риоя қиляпмизми?



Жумладан, жорий йилнинг 25 октябрь куни тунги соат 2-3лар атрофида Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Э.Бобохон кўчасидаги 28-уйда ёнғин келиб чиққан. Маълум бўлишича, уй эгаси А.Тоштемиров табиий газдан резина шланг орқали фойдаланаётганлиги ана шу кўнгилсизликлар сабаб бўлган. Оқибатда, уйнинг том қисми ва кўплаб жиҳозлари ёниб кетган. А.Тоштемировнинг ўзи эса 8 фоиз куйиш тан жароҳати олиб, 1-шаҳар клиник касалхонасига ётқизилган.

Шу каби ҳодисалар сабаби ўрганилганда, уларнинг аксарияти электр иситиш анжомларидан нотўғри фойдаланиш ва қаровсиз қолдириш, носоз уланган электр симларидан фойдаланиш, том бўғот қисмида кўп миқдорда сомон ва хашак сақланиши натижасида келиб чиқаётганлиги аён бўлмоқда.

Шу сабабли, газ ва электр асбоб-ускуналаридан фойдаланишда энг оддий ва арзимас бўлиб кўринган тартиб-қоидаларга оғишмай амал қилиш зарур. Иситиш воситалари ҳамда қозонхоналарни назоратсиз қолдирмаслик содир бўлиши мумкин бўлган олов билан боғлиқ барча бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишнинг зарурий шартларидир.

Айни кунларда юртимиз бўйлаб ўтказилаётган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» тадбирларида бу қоидалар яна бир бор тарғиб ва ташвиқ қилинмоқда. Лекин биз истардикки, фуқароларимиз «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»дагина эмас, «тилсиз ёв»дан ҳамиша хушёр ва эҳтиёткор бўлсинлар.

**Фарҳод ИСЛОМОВ,**
**Тошкент шаҳар**
**ИИББ ЁХБ инспектори,**
**кичик сержант.**

### Қилмиш

***Суд залида ўтирибман-у, анча йиллар аввалги бир воқеа кўз ўнгимда жонланади. Онаизор фарёди атрофни тутган. Ота унсиз йиғлайди, оппоқ соқоллари кўз ёшидан намиққан. Ака-укалар, опа-сингилларнинг чексиз оҳу нолаларидан юрак-бағир эзилиб кетарди. Буларнинг ҳаммасига сабабчи навқирон бир йигитнинг бевақт ўлими эди. Янаям тўғриси...***

# Новвой

## нега беш йилга озодликдан маҳрум этилди?

Воқеа мана бундай бўлган:

...Катта асфальт йўлидан "Тез ёрдам" машинаси елиб борарди. Қайси бир беморга мадад бериш учун ошиқиб кетишаётгандир шифокорлар. Тўсатдан бир йигит йўлга югуриб чиқди ва "Тез ёрдам"га қўл кўтарди. Қўли қонга беланган нотаниш йўловчи уларни бефарқ қолдирмади. Шифокорлар ёрдам қилиш учун тўхташди. Лекин йигитнинг важоҳати ёмон, ҳуши ўзида эмас эди. У қўлидаги пичоқ билан ҳайдовчига ҳамла қилиб қолди ва бир неча жойига пичоқ санчишга ҳам улгурди... Ҳамшира ва ҳайдовчи касалхонага олиб келингандида кеч бўлган эди. Навқирон йигитнинг умр шами сўнди. Ҳали ширин орзулар оламини тарк этмаган ҳамшира қиз ҳам қўрқувдан жон таслим қилди. Албатта, эс-ҳуши жойида, тан-жони соғ одамнинг бекордан бекорга дуч келганга ташланиб кетавериши ақлга сиғмайди. Маълум бўлишича, қотил ўша вақтда гиёҳванд модда истеъмол қилиб олган экан. Бир неча грамм заҳриқотил туфайли бир эмас, икки киши ёруғ дунёни тарк этди.



...Суд иши бу қотиллик устида бормаяпти. Боғлиқлиги шундаки, қора курсида ўтирган Ўткиржон Саидовга ўхшаганлар ана шундай машъум воқеаларнинг бош сабабчиларидир. Аслида-ку, у ҳали ўттизга ҳам тўлмаган, рўзғорини новвойлик қилиб тебратиб келарди. Нима бўлди-ю, у шайтон — нафс васвасасига учди. Қилмишининг охирини ўйламади, унинг қўлига қараган кекса онаси-ю ногирон синглиси, ҳатто оиласи, фарзанди кўзига кўринмади.

Онаизорни алдаб бўлмайди. Она қалби ҳар нарсани сезади. Ўғлининг қадами чалкашаётгани уни безовта қилди. Бир неча бор унга хавотирини айтди. Нобакор ўғил эса пинагини бузмади. Жарақ-жарақ пуллардан кўз узмай:

— Нонга талаб кучайди. Топаётган даромадларимнинг бари меҳнатимдан. Сиз хавотир олманг, ҳадемай ҳаммаси яхши бўлади, — деди у онасини алдаб.

Лекин билмасдики, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади. Сирдарё вилоят ички ишлар бошқармаси ва Янгиер шаҳар ички ишлар бўлими "қирқ йил"ни кутиб ўтиришмади. Янгиер шаҳрининг 2-мавзесида жойлашган нонвойхоналарнинг бирида ишловчи Ўткиржон Саидовнинг оғуфурушлик билан шуғулланаётгани ҳақида ҳушёр фуқаролар хабар қилиши биланоқ, ички ишлар ходимлари дарҳол ишга киришишди.

Ш. Бурхонов кўчаси 2 "А" уйнинг 8-хонадонига, яъни ўз уйига икки нотаниш йигит уни сўраб келганида, Ўткиржон ҳеч нарсадан шубҳаланмади. Аксинча хурсанд бўлди, «ови» юришаётганди-да! Лекин оғуфуруш новвой ҳам эҳтиёт чораларини кўргандай бўлди: бозор орқасидаги хилватроқ жойда учрашув белгиланди. Айтилган вақтда белгиланган жойда «харидорлар» — Анвар Маматхўжаев ва "Р" исмли икки шахс "мол"ни кутиб туришарди. Тахминан 19.00 ларда новвой-оғуфуруш Ўткиржон улар қаршисида пайдо бўлди.

— Қанча бўлади?

— Уч минг.

Ўткиржон Саидов пулни олди. Лекин ҳазм қилишга улгурмади. "Харидорлар"га 15 дона 200 сўмлик купюралар гувоҳлар иштирокида ҳужжатлаштирилиб берилганди. Оғуфурушнинг қўлига кишан солиниб, шаҳар ички ишлар бўлимига олиб келинганидагина у нима қилиб қўйганини англади. Аммо кеч эди. Сўнгги пушаймон – ўзингга душман. Энди жиноятдан бўйин товлаб бўлмасди. Ҳаммаси далилий ашёларга асосланган. Аслида наша деб тахмин қилинган гиёҳванд модда таркибида тетрагидроканнабинол моддаси мавжуд бўлган марихуана деб аталмиш заҳриқотил эканлиги аниқланди. Унинг оғирлиги 5,4 граммни ташкил этди.

Ўткиржон Саидовнинг қилмиши жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судида кўриб чиқилди. Оғуфурушнинг жиноятига атрофлича баҳо берилиб, унинг одамларни заҳарлаш билан олдиндан шуғулланиб келаётганлиги фош этилди. Гувоҳлар кўргазмаси ҳам буни исботлаб турарди.

Ҳалол, топганига қаноат қилмай, ҳаром йўлларга бўйлаган нафс бандаси Ўткиржон Саидов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан айбдор деб топилди ва беш йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинди.

Шу билан бир оғуфурушнинг жиноий ҳаракатларига нуқта қўйилди. Аммо одамни ўйлантирадигани шундаки, тўрт-беш сўм пулни ортиқроқ топаман деб, нафс қутқусига учиб одамларни ажал чангали томон итараётган бундай ноинсоф, виждонсиз кимсалар нега кундан кун камайишининг ўрнига кўпайиб бораётир? Нега улар ҳеч бўлмаганда охиратдан – абадий азоб балоларидан ҳам чўчишмайди? Бунга имонларининг мустаҳкам эмаслиги йўл бермаса керак, эҳтимол.

Аммо нима бўлганда ҳам, ҳар бир қилинган яхшилик, эзгу амаллар хайрли самараларга ижобат бўлишлиги аниқ бўлганидек, инсоннинг ҳар қндай ёмонлиги, гуноҳлари ҳам жавобсиз қолмас. Бунга одамларга нон пишириб, ҳалол яшаш имкони бўлган, ана шундай улуғ касби бўла туриб ҳам қўлини ғоят кир ишга урган биз сизга ҳикоя қилган виждонсиз кимсанинг тақдири ҳам ёрқин мисолдир.

**Неъматилла МЎМИНОВ**

### Ҳикмат

# Ўзингни кечирганинг каби...

- Дарахт қанчалик юксак бўлса бўлсин, барибир япроқлари яна ерга тўкилади.
- Бошқаларга таъна қилгандек ўзингга таъна қил, ўзингни кечирганинг каби бошқаларни ҳам кечир.
- Муваффақиятсизлик инсонга кўп нарсалар ўргатади.
- Бир онлик ғазабингни боссанг, юз кун ҳотиржам яшайсан.

**Хитой мақоллари**

- Йиқилмоқ айб эмас, йиқилиб қолмоқ айб.
- Қадаҳ ичига денгизга ғарқ бўлганлардан кўп киши ғарқ бўлади.

**Немис мақоллари**

- Айбига иқрор бўлганни авф эт.
- Йигит урушда, дўст дардда, комил инсон ғазаби келганда маълум бўлади.

**Араб мақоллари**

**Давронбек ТОЖИАЛИЕВ**
**таржима қилди.**

2007-yil 28-noyabr

HURRIYAT
O'zingni angla!
Mustaqil gazeta

Молия муассасаларида

# Эътибор ва масъулият

Андижон вилояти Молия бошқармаси ва ғазначилик бўлими томонидан бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш, таълим муассасаларини етарлича озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда зарур асбоб-анжомлар билан таъминлаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, янги тизим — халқ таълими муассасаларини молиялаштириш шўъбалари томонидан таълим соҳасида меҳнат қилаётган устоз-мураббийларни иш ҳақлари ҳамда усталарни ўз вақтида ҳисоблаб етказиб бериш, уларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш борасида шўъбаларнинг хизматлари эътиборли. Шўъбада илгари халқ таълими бўлими тасарруфида бўлган марказлашган ҳисобхона ўтказилган бўлиб, бу соҳада бир неча йилдан буён меҳнат қилаётган ҳисобчи ва иқтисодчилар билан тўла таъминланган. Малакали мутахассислар томонидан мактабгача таълим даргоҳларида тарбияланаётган кичкинтойлар учун ҳам шўъбалар доимий озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берувчи — таъминотчилар билан тендер ва танловлар ўтказиб борилмоқда. Бу борада Андижон шаҳар ва Шаҳрихон туман молия бўлимларида олиб борилаётган танлов ҳайъатларининг фаолияти эътиборга молик.

Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича жорий йилнинг ўзида биргина Шаҳрихон туманида танловга 24 та масъулияти чекланган жамиятлар, фермер хўжаликлари ҳамда давлат таъминоти корхоналари томонидан хужжатлар тақдим этишган. Улар тақдим этган хужжатларни танлов ҳайъати аъзолари — туман молия бўлими, халқ таълими, давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ва бошқа мутасаддилар ўрганиб чиқиб, уларнинг озиқ-овқат захираси, маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари, етказиб бериш шарт-шароитлари,маҳсулот қабул қилувчи буюртмачининг худудида жойлашганлиги, уларнинг ҳомийликлари эътиборга олинибди.

Айниқса, "Андижон давлат таъминоти савдоси" масъулияти чекланган жамияти билан тузилган 120 миллион 560 минг сўмлик шартномада етказиб берувчи билан маҳсулот қабул қилувчиларнинг ҳуқуқлари "Хўжалик юритувчи субъектлар шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга мувофиқ бўлиб, таъминотчи олдига қўйилган барча мажбуриятларни тўлалигича бажариб келаётганлигига ишонч ҳосил қилдик. Бошқа таъминотчилардан фарқли улар мактабгача таълим муассасаларида бир қатор ҳомийлик ишларини амалга ошириб келишмоқда.

— Таъминотчи корхоналарнинг барчаси билан тузилган шартномаларда Молия вазирлиги томонидан ҳар ойда тақдим этилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари ва кўрсатмалари асосида иш олиб бораяпмиз, — дейди шаҳар молия бўлими халқ таълими муассасаларини молиялаштириш шўъбаси бош ҳисобчиси А. Асланов. — Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш учун доимий иш олиб борувчи танлов ҳайъати мутасаддилари таъминотчи корхоналар томонидан бирор-бир ортиқча хатти-ҳаракатларни сезиб, боғча мудираларидан бирор-бир эътироз бўлса, норозигарчиликларни эшитиб қолишса, улар билан келгуси ой учун тузилган шартнома дарҳол бекор қилиниб, ортиқча сарфлаб юборилган маблағ дарҳол ўз ўрнига қайтарилади.

Бугунги кунда Шаҳрихон тумани халқ таълими бўлимига қарашли 63 та умумтаълим мактабларига юридик мақом берилиб, ушбу мактабларда алоҳида ҳисоб рақамлари очилиб, ўз ҳисобхонаси ва ҳисобчисига эга бўлди. Ҳисобчиларнинг 27 таси олий маълумотли ва 36 нафари ўрта махсус маълумотли кадрлар ҳисобланишади. Молия бўлими томонидан уларга барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Тумандаги ҳомий ташкилотлар, фермер хўжаликлари ва ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар натижасида таълим даргоҳларининг барчаси қишки мавсумга тайёр ҳолга келтирилган.

— Таъминотчи корхоналар билан ҳамкорликда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қишки мавсумда захирада жамлаш борасида кенг қамровли ишларни олиб бораяпмиз, — дейди Шаҳрихон туман молия бўлими, халқ таълими муассасаларини молиялаштириш шўъбаси бошлиғи Баҳром Ҳайдаров. — Бундан асосий мақсад бюджет муассасаларига қиш мавсумида ҳам сифатли маҳсулотлар етказиб бериш ҳамда маблағлардан самарали фойдаланишдан иборат.

Аммо... вилоятнинг ҳамма туманларида ҳам иш сифати бир зайлда эмасга ўхшайди. Хусусан, Избоскан туманида бу борада олиб борилаётган ишлар билан танишиш мақсадида бўлганимизда халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Каримжон Позиловдан жўяли фикр ололмадик. Ғазначилик бўлинмаси раҳбари Адҳам Қосимов эса ҳеч қандай тендер ва танлов ҳайъати бу ерда ташкил этилмаганлиги, туман ҳокимлиги қошида бюджет муассасаларига озиқ-овқат етказиб берувчи таъминотчилар билан танлов ўтказилган бўлсада, ҳалигача танловга оид ҳужжатлар нусхаси ва шартномаларининг ғазначилик бўлимига етиб келмаганини таъкидлаганида очиғи, ҳайрон қолдик. Ахир, таъминотчилар ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаган раҳбар, ғазначилик орқали озиқ-овқат маҳсулотлари учун маблағни қаерга ва кимларга ўтказаяпти? Қай тарзда бюджет маблағларидан Избоскан туманидаги мутасаддилар фойдаланишмоқда?

Бу ҳақда мутасаддилар негадир ҳафсаласизлик билан иш тутишаётганга ўхшайди. Йўқса, иш сифати хусусида аниқ маълумотларни бизга тақдим этишган бўларди.

Ўзингиз мулоҳаза қилинг, мамлакатимизда халқимизнинг эртаси учун халқ таълим соҳасига ҳар қачонгиданда кўпроқ эътибор берилмоқда.

Ҳа, юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида бирор нарса аялаётгани йўқ. Мактабгача таълим муассасаларига ҳам катта-катта маблағлар сарфланаётир. Аммо ҳамма гап ана шу маблағларнинг тўлиғича, рисоладагидек сарф қилинишида. Бу эса жуда катта масъулият ва эътибор, керак бўлса назоратни талаб этиши, шубҳасиз.

**Ҳикматулло ҚОДИРОВ,**
**"Ҳуррият" мухбири.**

Ёшлар нима дейди?

# Китоб афзалми ёки интернет?



Бўш вақт. Биз ундан унумли фойдалана оляпмизми? Ҳозирги кунга келиб аксарият ёшлар, айниқса, мактаб ўқувчилари бўш вақтларининг катта қисмини компьютер клубларда ўтказишмоқда. Улар компьютерда ишлашни ўргансалар ҳеч ким қаршилик қилмайди. Лекин қандайдир ўйинлар ўйнаш ёки интернетда соатлаб кимлар биландир «танишиб» ўтириш билан вақтларини зое кетказишмоқда. Мактабларда, ўқув даргоҳларида бу ҳақда тушунтириш ишларини олиб бораётган ўқитувчилар компьютернинг афзалликларини айтаётган пайтда унинг зарарли оқибатлари, меъёрдан кўп фойдаланиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтириб қўйсалар ёмон бўлмас эди. Аммо бу ерда оила деган муқаддас даргоҳ ҳам борки, тўхталиб ўтмасдан илож йўқ. Бола тарбиясида оиланинг тутган ўрни чексиз. Баъзи қўшнилар кўча-кўйда бир-бирларини кўриб қолиб, "Қаерга кетяпсиз?" деб сўраса, "Ўғлимни компьютер клубдан олиб келай", деб бамайлихотир жавоб беришади. Бу ҳолат бора-бора одат тусига кириб бораётганлиги кишини ташвишга солади.

Интернет тармоғининг ҳаётимизга кириб келганда кўпчилик қувонган бўлиши табиий. Бироқ ўша пайтда ўзбек ёшларининг энг севимли машғулоти бўлган китоб мутолаа қилишни ёшлар хаёлида сиқиб чиқаради дейилганда ҳеч ким бунга ишонмаган бўларди. Замонавий технологиялар ривожланмаган даврларда ҳам ақл-заковати билан Беруний, ибн Сино, Форобий, Мирзо Улуғбек каби олимлар, ўз замонасининг етук алломалари бўлиб етишиб чиққан. Улар китобни бошқалардан кўпроқ ўқишган ва буни амалда қўллаганлар. Китоб афзалми ёки интернет? Бу кўпчиликни ўйлантираётган савол. Тўғри, интернет орқали хоҳлаган китобни топиб ўқиш мумкин. Кутубхонама-кутубхона сарсон бўлиб юрмайсиз. Менимча, бу ҳолат ёшларда дангасаликни келтириб чиқаради, қийинчиликдан қочиш, енгилликларга интиладиган қилиб қўяди. Айтишларича дунё олимларнинг ўтказган тадқиқотлари натижасида шу нарса маълум бўлдики, компьютерда бир соат ишлаган одам йигирма беш дақиқа дам олиши керак экан. Энди битта китобни ўқишга кетадиган вақти ўқувчининг компьютер қаршисида қанча вақт ўтиришини ҳисоблайдиган бўлсак, унинг зарарлари кўз ўнгимизда гавдалана бошлайди.

Атрофдаги воқеалар, инсонларни кузата туриб бир хулосага келдим: китобдан яхшироқ дўстни топиш мушкул экан. Китоб ўқимайдиган инсон фикрламайди, фикрламайдиган инсон ҳаётда нимагадир эришиши қийин. Китобни бўш пайтда эмас, ҳар доим ўқиш керак. Шунда инсон ўзи хоҳлаган орзусига эришиши мумкин. Вақтни бекор ўтказмайлик, тенгдошлар.

**Темур ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**ЎзМУ журналистика факультети талабаси.**

Шахмат оламида

## ЎЗИГА ХОС РЕКОРДЛАР

1886 йил 26 майда шахмат бўйича биринчи жаҳон чемпионлиги тожини қўлга киритганида В.Стейниц 20 ёшда эди.

Гарри Каспаров эса бу унвонни 22 ёшида қўлга киритган.

Э.Ласкер жаҳон чемпиони унвонини деярли 27 йил ўзида сақлаб турган бўлса, унга энг кам муддат – бир йилу 5 кунгина эгалик қилган чемпион эса Михаил Талдир. У унвонни матч-реваншда Ботвинникка бой берган.



Шахматчилар орасида энг узоқ умр кўрган киши Жен Керьюдир. У 1779 йилда туғилиб, 1901 йилда вафот этган. Уч аср билан юзлашган Женнинг ҳаётига боқиб, шахмат ўйнаш умрни узайтиради деган гапнинг бежиз эмаслигига ишонгингиз келади.

"Гроссмейстер" сўзи биринчи марта 1838 йил Лондонда чиқадиган "Пейла пайор" газетасида ишловчи шахмат устаси Уильям Леос томонидан қўлланилган. Аммо 1920 йилларга қадар моҳир шахматчиларни Европада маэстро деб аташарди. Кейинчалик ФИДЕнинг ташаббуси билан "гроссмейстер", яъни "катта шахматчи" сўзи муомалага киритилган. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бу олий унвонни Роберт Фишер 15 ёшида, Гарри Каспаров 17 ёшида, ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов эса 18 ёшида қўлга киритган.

**Анвар ИНОҚОВ,**
**тайёрлади.**

Тадбир

## ТАЗКИРА ТАҚДИМОТИ

Яқинда Қарши шаҳридаги «Насаф» нашриётида филология фанлари номзоди «Сурхон тонги» газетаси бош муҳаррири Муҳаммад Азимовнинг Сурхондарё ижодкорлари тазкираси нашр этилди.

Муштарийларга ўзининг кўплаб илмий ва публицистик мақолалари ҳамда Термиз тарихи, Ҳофиз Шерозий ва ўзбек адабиёти, Исмоил Шокиров билан ҳаммуаллифликда яратилган «Эл ўғли» сингари асарлари билан яхши таниш бўлган тадқиқотчи-олимнинг мазкур мажмуасида IV-XX асрлар оралиғида Сурхон воҳасида яшаб ижод этган олиму шоирлар, ҳаттот ва мусаввирлар, шайхларнинг ҳаёти ҳамда ижодий фаолияти хусусида сўз юритилади.

Шуниси диққатга сазоворки, муаллиф ўз китобида бир неча ижодкорларнинг ҳаёти ва ижоди борасида илк бор маълумот бериб, уларнинг ҳали оммага номаълум асарларидан парчалар келтирган.

Куни кеча эса Термиз давлат университетида мазкур китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими, университетнинг филология ҳамда тарих факультетлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда университет олимларидан Аҳмад Абдуллаев, Бобоназар Муртозаев, Жалолиддин Мирзаев, Болтажон Содиқов, Шафоат Раҳматуллаев ҳамда журналист Абдулла Холмирзаевлар мунаққиднинг янги асари, унинг ижтимоий-маънавий аҳамияти, бадиий қиймати борасида ўз фикр-мулоҳазалари, китобни янада такомиллаштириш ҳақидаги таклифларини билдирдилар.

**Даврон ЧОРИЕВ**

Банк ва мижоз

# Муваффақиятлар гарови

АТ «Микрокредитбанк» Самарқанд вилоят бошқармаси фаолиятидан

Республикамиз Президентининг 2006 йилдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ юртимизнинг молия соҳаси яна бир салоҳиятли банк билан бойитди. Ўтган қисқа давр мобайнида бу хайрли иш ўз самарасини бериб, «Микрокредитбанк» АТБ мамлакатимиз ҳаётида ўзининг мустаҳкам ўрнига, минглаб мижозларига ишончли ҳамкорига айланди.

Бугунги кунда «Микрокредитбанк» АТБ Самарқанд вилоят бошқармаси негизида 7 та бўлим ва 20 та мини банк фаолият кўрсатиб келмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида вилоятнинг Иштихон, Тайлоқ, Нуробод ва Қўшработ туманларида мини банклар фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, Пахтачи туманида ҳам банк фаолияти анчайин олға силжимоқда. Натижада вилоят марказидан олисда бўлган туман аҳолиси банк хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Буни биргина Нарпай туманидаги «Шарофат» хусусий дорихонаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Аҳолига хизмат кўрсатаётган мазкур дорихона ўз иш фаолиятини ривожлантириш ва айланма маблағини ошириш мақсадида банкдан 6 миллион сўм миқдорида кредит ажратишни сўраб мурожаат этганди. Мутахассислар томонидан мижознинг бизнес режаси ва имкониятлари таҳлил этилиб, ушбу талаб ижобий ҳал қилинди. Натижада дорихонанинг аҳолига хизмат кўрсатиш кўлами ва сифати яхшиланди.

«Микрокредитбанк» АТБ вилоят бошқармаси фаолиятига чуқурроқ назар ташланса, кўпгина хайрли ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Жорий йилнинг 1 октябрига қадар 556 та тадбиркорлик субъектларига 1370710,2 минг сўм миқдорида молиявий хизмат кўрсатилди. Ажратилган маблағнинг 285917,0 минг сўм 313 тадбиркорлик субъектига бошланғич сармояни шакллантириш мақсадида берилган бўлса, қолган 1047 201 минг сўми 243 та тадбиркорлик субъектларига бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағни тўлдириш мақсадида ажратилган.

Ҳукуматимиз томонидан аҳолига қулайлик ва имкониятлар яратиш мақсадида қабул қилинаётган қарорлар ижросини таъминлаш борасида эса банк ходимлари томонидан янада кенг кўламли фаолият юритишмоқда. Хусусан, Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра 2007 йилнинг 1 октябригача ёш оилаларга 885,7 миллион сўм миқдорида кредит берилди. Бу борада амалга оширилган ишлар қарийб белгиланган режага асосан 126 фоизни ташкил этди.




Мамлакатимизда 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича ҳам талайгина ибратли ишларга қўл уриляпти. Шу соҳада иш юритиш истагини билдирган тадбиркорларга 294,7 минг сўм миқдорида микросармоялар берилди. Бу борада ҳам банк томонидан кўрсатилган хизмат белгиланган ишга нисбатан 209 фоизга бажарилди. Аҳолининг замонавий тиббий асбоб-ускуналари хизматидан фойдаланиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган хотин-қизларни моддий қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга имтиёзли кредитлар бериш давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлардан бири, албатта. Шу боис банк томонидан мижозларга янада енгиллик ва қулайликлар яратиш мақсадида бир қатор лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Бу лойиҳаларнинг тез кунларда тўла амалга оширилиши учун бор куч-қувватимизни аямаймиз. Негаки, банк жамоаси «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» деган шиорни доим ёдда сақлайди. Қолаверса, бу бугуннинг, даврнинг талаби. Яъни бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда яшар эканмиз, соғлом рақобат шуни тақозо этади. Мижозларга қулай ва талаб даражасида хизмат кўрсатиш бизнинг асосий вазифамиз. Ахир эртага уларнинг бизни қандай қўллаб-қувватлаши, қандай натижага эришишимиз ўзимизнинг тутган йўлимизга боғлиқ.

Зеро, бугун мамлакатимизда банклар сони ҳам анчагина. Мижозлар эса ишончли, хизматлари қулай, сифатли банк хизматидан фойдаланишни истайди. Шу сабабли ҳар бир молия муассиси ўз иш услубини замонга мос, ўзи билан бир қаторда мижоз манфаатини ҳам ўйлаб иш тутсагина ютуққа эришади. Банкимизга ташриф буюрган, биз билан ҳамкорлик қилишни истаган ҳар бир шахс биздан у хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс бўлсин, кўнгли тўлсин, рози бўлсин. Бизнинг асосий ютуғимиз гарови ана шунда бўлади.

**Олим БАХРИЕВ,**
**«Микрокредитбанк»нинг Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғи.**
®

Ҳаким САТТОРИЙ

# ҚУЁШНИ ЕЛКАЛАГАН



Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

Ростдан, ғор саҳнига кўтарилиш гаштли, сурурли эди. Бу ерда тириклик излари шундоқ билиниб турарди: чала ёнган ўтин, сомонли лой, тутундан қорайган шифт. Демак, кимлардир барқарор яшаган, ғор уларга бошпана бўлган. Ғорнинг оғзи маҳобатли эди: супа билан шифтнинг ораси тўрт қаватли уй баландлигича бор. Йўлак кун чиқишга қараб давом этар, фақат эллик қадамлар наридаги улкан тошлар ғор давомини бекитиб турар, нигоҳ шу ерда тўхтарди. Супага ҳамма етиб кела олмаган, қолганлар йўлда давом этарди. Вақт ўтиб, эт жунжика бошлади, совуқда тер қотган эди.

«Амир Темур ғори» деб аталувчи бу гўша турли тоифадаги қизиқувчиларни ўзига жалб қилиб келган. Унга узоқ-узоқлардан гоҳ илмий мақсадларда, гоҳ саёҳат илинжида ташриф буюришган. Гувоҳларнинг эслашича, 50-60 йиллар олдин ердан ва шипдан ғор жавоҳирлари — сталактик-сталакмитлар етарлича чиқиб-осилиб турган (айни кунларда уларни туморга ҳам тополмайсиз), китоблар топилган. Ғорнинг биринчи қисми — Отхонада оҳурларнинг ўрни, қозиқлар бўлган. Минг машаққат билан етиб борган сайёҳлар «арзирли» совға сифатида бу ашёларни талаб кетаверишганлар...

Ғорни шартли равишда икки қисмга бўлишади. Супадан ичкарилаб, 150-200 қадам жилгач, яна очиқ жойга чиқиб қолинади. Шу қисми «Отхона» деб аталади. Бу галги сафаримиз шу жойда якунланган.

Бу сирли масканнинг чинакам жозибаси билан ошно бўлиш учинчи уринишда — X синфда ўқиган — мактабни битираётган арафада насиб этди. Бу гал фақат синфдошлар раҳбаримиз Ўткир Кўчимов ва биология муаллимимиз Жўра Ҳалимов «қўмондон»лигида йўлга чиққанмиз ва ғорда анча ичкарилаганмиз. Тўрт қаватли уй баландлигида бошланган ғор торайиб-торайиб, бир киши аранг ўтадиган каваккача ичкалашади (торайди).

... Отхонадан сўнг асосий қисмга ўтишда тош териб, зиналар қилинган, бироз юқорига кўтарилиб, ғорга кириб кетилади. Ичкаридаги манзара — чинакам мўъжиза. Зимзиё қоронғулик, қўл фонари оёқ остини аранг ёритади, нам ҳаво, сирпанчиқ ингичка сўқмоқ, тошлар туртиб чиққан, йўлни тўсган, юқоридан дўлайган. Бирдан ҳаммаси тугаб, боши берк жойга бориб қоласиз. Билмаган киши «Ғор тугади» деб шу жойдан ҳам қайтиши мумкин, билганлар эса бўри уясидек тор кавакни топадилар ва йўлни давом эттирадилар. Биз ҳам кавак яқинида тўпландик. Ким биринчи бўлиб бошлайди? Шунда мен биринчи бўлиб бошлаганман, 10-15 метрлар судралиб боргач, кенг, бепоён жойга чиқиб қолинар экан.

Шундан сўнг ҳам бу оҳанрабо масканга жуда кўп марта ташриф буюрдим. Гоҳ узоқдан келган ишқибозларга йўл бошловчи бўлиб, гоҳ улфатлар билан «маёвка»га чиқиб. Бу сафарлар давомида қисилмадан бемалол ўтиб, кўлгача етганмиз. Кўл йилнинг бир мавсумида қуриб қолар экан. Сўнгра кўлдан кейин ҳам йўл топганмиз, имкон даражасида ичкарилаб, ғорнинг яна давоми бўлишига ишонганмиз.

Хуллас, муболағасиз айтганда, бир кўринмас куч бу сирли гўшага чорлайверган, қолаверса,кўнгилочар жойлардан мосуво тоғлар орасида иштиёқни қондирадиган иродани чархлаб олишга кўмаклашадиган, умрингни тасодифлар билан безайдиган бошқа воситалар бўлмагани учун ҳам тўлишиб кетган пайтларда истак шу хилват жойларга етаклагандир. Ҳозирча энг кейинги сафарим – 1991 йил 7-8 август кунлари "Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб" ёшлар экспедицияси билан қадам ранжида қилганим. Бунгача ва бундан кейин кўп гаплар бор. Унча-бунча одамнинг қадами тегавермайдиган олис ва кимсасиз бу жойларга жамоатчилик вакилларини бошлаб келишим, умуман, экспедициянинг ташкил этилиш тарихи жуда қизиқ.

Руҳшунослар, педагоглар инсон тарбиясида турли омилларнинг таъсир даражасини роса ўрганганлар. Бир омил (воқеа, шахс) бир кишининг бутун келажагини белгилаб бериши мумкинлигини улар эътироф этадилар. Мабодо, мен туғилиб, улғайган муҳит бошқачароқ бўлганда, эҳтимол, бутун вужудим билан Темуршунос бўлиб кетардим. Фақат ўсмирлигимдаёқ қалбимга ўйилган бу қадрдон мавзуга бироз кейинроқ қайтишимга тўғри келди. Ғорга сафар, унинг таассуротлари бутун ўсмирлик йилларимни, улғайиш давримни марвариддек безаган. Ота шаҳримиз Шаҳрисабзда Соҳибқирон бобомиз қурдирган Оқсарой борлигини билгач, умуман, у зоти шариф шу шаҳарда туғилиб, шу атрофларда вояга етганидан хабар топгач эса ўзимни бу мўъжизага эшлигимни, пайваста эканлигимни сезганман. Бу туйғу қалбимда меҳр бўлиб, ишқ бўлиб парвариш топган.

Орадан йиллар ўтгач, экспедиция уюштириш фикри қачон, қандай вазиятда пайдо бўлганини тиклашга уринаяпман. Бир ён дафтаримда: "Ният. Амир Темир *(имло шундай – Ҳ.С)* излари бўйлаб экспедиция. Тошкент – Самарқанд – Шаҳрисабз (Оқсарой) – Хўжаилғор қишлоғи – Тошқўрғон (Амир Темур *(имло шундай – Ҳ.С)* ғори). 17.08.90" деган ёзувлар бор экан.

Қадрият

# Бешик боласи – бек

Дам олиш куни эди. Чорсу бозоридан у-бу нарса ҳарид қиламан, деб айланиб юриб, ҳунармандлар расталарига келиб қолибман. Шу пайт эътиборимни бир мухожир аёл тортди. Бир муддат кузатиб турдим. У ўз тилида ёнидаги шеригига бир нималарни тушунтириб, бешик сотиб олди. Мактабда инглиз тилидан сабоқ олганим сабаб, унинг сўзларига тушундим. Бешикнинг хосиятлари ҳақида ҳам гапириб ўтди. Ўзбекнинг бешиклари бутун дунёда машҳур эканлигини таъкидлади.

– Мамлакатимизда биронта ўзбек хонадони йўқки, гўдакни бешиксиз ўстирган бўлса, – дейди сотувчи Зумрад Ҳакимова. – Энг катта бобомиз Мирҳаким отадан бошлаб биламан, қайнотам Миразиз ака, Мираббос, Мирилёс сингари устазодаларни бутун шаҳар танийди. Раҳматли турмуш ўртоғим уларнинг ишларини давом эттирдилар. Ҳозир ўғлимиз Муроджон ҳам отаси каби бешик ясовчи уста бўлиб етишди. Уч қизим, невараларим бешик асбобларини бежирим қилиб тикамиз. Баъзи одамлар бешик ясаш жуда осон, деб ўйлашади. Шу хонадонга келин бўлиб тушгунимча мен ҳам шундай дердим. Аслида эса, ундай эмас экан. Чунки бешикнинг ҳар битта анжоми ўзининг номига, ўрнига эга.

Қаранг, энг пастидаги айлана шаклидаги таглиги йўрғаси деб аталади. Икки томондаги ёйи – эмоч. Йўрғаларни бирлаштириб турадиган уч жуфт ёғоч нарвонак, деб юритилади. Мана бу ёғочлар — сихлари. Бешикнинг пастидаги узун ярим ёғочлар помбазларидир. Икки эмочни бирлаштирадиган дастак кўприк дейилади. Қуббалари қўғирчоқлар деб аталади. Уларни жой-жойига қўйилмаса, бешик бешик бўлмайди. Тут, ёнғоқ, толдан ясалган бешиклар жуда мустаҳкам чиқади. Биз эса кўпроқ тутдан ясаймиз. Ҳам маҳкам, ҳам чидамли, турли ҳашаротлар еб қўймайди. Бешикни чиройли қилиб безаш ҳам бешикчи усталардан катта маҳорат талаб этади. Сабаби, бола сал эсини таниши билан ранг ажрата бошлайди, ана шу рангларга қизиқиб талпинади. Ундаги шиқилдоқлар, кўзмунчоқларнинг аҳамияти ҳам катта. Гоьрапўшлар эса фаслларга қараб қалин ёки юпқа ёпилади. Кўрпача, ёстиқчалари, тагликлари бир жуфтдан тайёрланади. Қўлбоғ, оёқбоғларини бир хил чит матодан тикилса чиройли чиқади.

– Ўттиз беш йилдан бери шу иш билан шуғулланаман, – дея сўзида давом этади Зумрад опа. – Кўпроқ кечқурун тикамиз. Кундузи уй юмушлари билан банд бўламиз. Бир кунда баъзан 10-15 та бешик тайёрлаймиз. Ҳар бир харидорнинг диди ҳар хил. Кўнглига йўл топишга ҳаракат қиламиз. Олган одамлар рози бўлишсин, дейман-да. Кўравериб кўзим пишиб кетган.

— Биласизми, — дейди Зумрад опа куюниб. — Ҳар доим бешик ҳақида гап кетганда эскилик сарқити деб қоралаониб, улоқтирилган бешиклар кўз ўнгимда гавдаланади. Кечаю кундуз меҳнат қилиб бешик ясаб, оқибат хўрланган усталар келади. Ахир бешикнинг ҳеч қандай зиёни йўқ эдику. Ўшанда миллий қадриятларимизнинг бир бўлагига ўт қўйилган эмасмиди? Ҳа, ўша пайтлар бешикни ҳам қоралашганди. Боланинг боши, оёғи қийшиқ бўлиб қолади дейишганди. Аммо мавжуд йўл-йўриқларига амал қилинса, бешикнинг хосиятлари жуда кўп, — дейди опа. — Биринчидан, бола бешикда тинч ухлайди. Озода бўлади. Фақат айрим аёлларимиз ҳафа бўлишмасин-у, жуда эринчоқ, эътиборсиз бўлишади-да. Болани уч-тўрт соатлаб бешикка белаб қўйишади. Ана шу хатолик туфайли бола бешикда безовта бўлади. Яна ачинарлиси шуки, бешикда ётган болага кўкрак тутишади. Бу асло мумкин эмас. Ҳар бир она бешикдан тўғри фойдаланиб, эътиборли бўлса бўлгани.



– Шукрки, неча йиллардан бери бешик хонадонлар тўрида, – дейди андижонлик Буойша Юсупова. – Бешта фарзандимни ҳам бешикда катта қилдим. Доим уларни белагач, бир соатдан кейин ечиб олиб, кўрпача устига ётқизиб, бир-икки бор думалатиб олардим. Бешикда ётган пайтида олдин бир қўлини, кейин иккинчи қўлини чиқариб қўярдим. Бола қўлларини қимирлатганда, елкалари яхши ривожланади. Болани бешикка қоидасига амал қилиб тўғри белангандa қўли қўлбоғ, оёғи оёқбоғ орқали боғланса, ортопедик жиҳатдан тўғри ривожланиши, қомати тик бўлишига ёрдам беради. Бундан ташқари, гигиеник жиҳатдан муҳофазаланади. Фақат бола бетоб бўлганида асло белаш мумкин эмас.

Бешикни тайёрлаш технологияси миллий анъаналардан чекинмаслиги лозим. У қанча оғир бўлса, сифати шунча юқори бўлади. Оғир бешик бир текисда секин тебранади. Боланинг бошига зиён қилмайди. Шу боис, ҳозирги беланчакларнинг таг қисмига оғир нарса қўйиб ясалади. Бешикка илинган ўйинчоқлар ҳам чақалоқнинг бурун томонига мослаб боғланса, кўзларига зиён етмайди. Авваллари бозор ичида у ёқдан, бу ёққа кўчиб иш қилардик. Президентимиз ҳунармандлар учун қарор чиқариб мана шу расталарни қуриб биз учун қулайлик яратиб берди. 16 йил олдин Президентимиз бизнинг мана шу расталаримизга ташриф буюриб, бешикларимизни кўриб, бешик ясаганда иштиёқ билан иш қилинг. Бешик боласи бек бўлади, деб айтгандилар. Ҳар йили юртимизда мустақиллик байрами яқинлашдими, уларнинг бу гаплари ёдимга тушиб, кучимга куч қўшади. Шу касб туфайли обрў топдим, ризқ топдим. Баъзида бундан ташқари, уй анжомлари ҳам тайёрлаймиз. Фарзандларим шу билангина чекланиб қолмасин дейман. Маҳалламизда биз каби бешикчилар кўп. Шу сабаб маҳалламизни бешикчилар маҳалласи деб айтишади. Баъзан уй атрофида тўпланиб турган аёлларни учратамиз. Уларни бекорга сарфлаётган вақтига ачиниб кетаман. Унинг ўрнига бирор ҳунар билан шуғулланишса бўлади-ку.

Зумрад опанинг иш жойларида анча суҳбатлашиб ўтирдим. Ора-орада ҳаридорлар бешик олиб кетишди.

– Учта неварамга ҳам шу аёлнинг бешикларидан сотиб олдим, – дейди ўзини Мавлуда опа дея таништирган аёл. – Барака топгур, қўли гулда ўзи. Тани-жони соғ бўлсин. Бешик керак бўлса, шу аёлдан олинг, дейди қувониб. Суҳбатимиз поёнига етай деганда ўтган йили баҳорда ён қўшним Захронинг эгизак чақалоқларига бешик олиб келишганидаги бир воқеа ёдимга тушди. Ўша куни қўшнилар билан йиғилишиб, чақалоқларни йўқлаб чиқдик. Камалакнинг етти рангига бўялган икки бешикка эгизакларни бирам чиройли қилиб белаб қўйишганди. Бу орада саксон ёшни қоралаган онахон бешикларга кўзмунчоқ тақиб, кейин қандқурсларни сочди. Онахон дуо қилишларидан олдин, бешик бу фарзандларимизнинг икки-уч йиллик ватани, бешик муқаддас, боланинг ватанга бўлган илк учқуни мана шу бешикларда яралади, дедилар.

Бешикка боласини ётқизиб, ёнида алла айтаётган аёлга назар солинг-а, унинг аллаларини тингланг-а, қулоқларингиз бирам ёқимли ҳисдан яйрайди. Ахир бешикни орзу қилмаган, уни тебратишни умр мазмуни деб билмаган аёл борми дунёда?

Бу йил "Ижтимоий ҳимоя йили"да одамлар бир-бирларига ёрдам беришяпти. Яқинда ота-онаси оламдан ўтган ёш аёл келди. Унинг шароитини тушундим. Бешикни ярим баҳосига сотдим. Бундай воқеалар кўп бўлади. Савоб иш ҳар доим керак инсонга.

Зумрад опанинг ёнида туриб, бешикларга назар соламан. Ота-боболаримизнинг неча минг асрлик руҳи мужассам бўлган бу бешикларда халқимизнинг бек болалари улғаяди. Аждодларга муносиб авлодлар вояга етади.

**Феруза БЎРИБОЕВА**

Эъзоз

# НАСИБИ РЎЗИМИЗДАН ҚЎЙМАСИН!

Буғдой донидан тайёрланувчи нон Одам Ато билан Момо Ҳавога абадий ризқ этиб берилганидан буён у башариятнинг асосий озиғи бўлиб келмоқда. Негаки, бу азиз неъмат қанча тановвул қилинса-да инсон меъдасига тегмаслиги билан ардоқлидир.



Нонни баъзи мамлакатлардаги ризқи насибалар билан қиёслаш, эҳтимол, бироз эриш туюлар. Аммо унинг қандай турлари борлигини билиш ҳар биримиз учун қизиқ ва фойдали. Масалан, Кичик Осиё мамлакатларида нон ўрнида лочира истеъмол қилинса, бизда бу қуймоқли неъматга байрам таоми сифатида қаралади. Узоқ Шарқ давлатларида эса нонни гуручдан тайёрлашади.

Бир қатор манбаларда "дарахтда битадиган нонлар" ёки "нон дарахти" атамаларига дуч келамиз. Илмий истилоҳи "Артокарпус интегра" деб номланган бу ўсимлик жуда қадимдан маълум. Унинг мевалари шохларида эмас, балки танасининг йўғон қисмида жойлашган бўлиб, узунлиги 30 сантиметрдан 90 сантиметргача, айланаси 25 сантиметрдан 30 сантиметргача, вазни 10-15 килограмгача етади. Тадқиқотчилар унинг таркибида худди буғдой унида бўлгани каби крахмал, шакар ва маълум миқдорда ёғ моддалари борлигини аниқлашибди.

Африкада маҳаллий аҳоли ҳозир ҳам бу дарахт мевасидан нон тайёрлашади. Бунинг учун чуқурлиги 1 метр, эни 1,5 метр катталикда ўра қазилиб, ости ва деворлари тупроқдан муҳофаза қилиш мақсадида банан дарахтининг барглари билан ёпилади. Нон дарахтининг меваси бир неча жойидан тешилгач, ўрага ташлаб қўйилади. Артокарпус меваси бир неча кун эзилиб хамирга айлангач, қозон ёки қўрада пиширилади. Бундай ўсимликнинг яна бир хили "маниок" деб номланувчи бута илдизидир. Маниокдан нон тайёрлаш усули Доминиканда яшовчи аравак қабиласида сақланиб қолган. Унга кўра, дарахт янчилиб, сувга туширилади. Сув бутанинг заҳарли моддаларини ювиб кетгач, хумга солинади ва устидан оғир тош бостирилади. Бир неча соатда тайёр ҳолга келган хамирдан зувалачалар ясалиб, худди кабоб сингари чўғга тутиб пиширилади.

Римда БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик шўъбаси жойлашган бўлиб, унинг асосий вазифаси жаҳонда очарчиликнинг олдини олиш ва озиқ-овқат муаммоларини бартараф этишга қаратилган. 1989 йили ушбу идоранинг илмий ходими Мортон Сантин маниок унидан замонавий нон ёпиш усулини таклиф этган эди. Мазкур кашфиёт ўз вақтида катта шов-шувга сабаб бўлиб турли мамлакатлардан ташриф буюрган новвой ва журналистлардан иборат ҳакамлар бу янги масаллиқдан тайёрланган нон буғдой нони каби аъло сифат ва лаззатга эга эканлигини таъкидлашганди. Эътиборли жиҳати, бу нон истеъмол қилинганда одам ўзини анча вақтгача тўқ сезар экан.

Янги асрда эса озиқ-овқат билан боғлиқ муаммоларга генетиклар ҳам аралаша бошладилар. Озиқ-овқатни генетик ўзгартириш натижасида айрим мамлакатларда анъанавий нонларни истеъмол қилиш ҳам хавфли бўлиб қолди. Илгари олимлар озиқ-овқат маҳсулотларига шунчаки тадқиқот манбаи деб қараган бўлсалар, кейинчалик бу ишга ҳам моддий манфаатлар аралашди...

Яратганга беадад шукурки, жаннатмакон юртимизда бундай қаллобликларга эҳтиёж йўқ. Ўзимизнинг донимиз ва нонимиз ҳамиша етарли. Насиби рўзимиздан қўймасин.

**Зафар Омон ТУРСУН**



# ЧЎҚҚИГА БОҚИБ

*"Қалбимдаги "Соҳибқирон" қўшиғи" туркумидан*

Эсласам, айни ўша пайтларда "Қашқадарё ҳақиқати"дан бўшаб, Тошкентга келаман, деб юрган чоғларим эди. Ўшанда гоҳ иш, гоҳ уй-жой масаласида Қарши – Тошкент оралиғида ўнлаб марта поездда қатнаганман. Ҳар сафар турли кайфиятда вагон деразасидан атрофни кузатиб кетганман ва йўл ўтган жойларда қанчалик серқўлам тарих мавжудлигини ҳис этганман. Эҳтимол, шундай чоғларда ўша сўзлар қайд этилгандир.

Хуллас, "қайта қуриш" жадал кетаётган ўша талатўп кунларнинг бирида – 1990 йил 19 сентябрь куни паспортимга муҳр босилиб, мен ҳам тошкентликлар сафига қўшилдим ва шу куни "Саодат" журналига бўлим муҳаррири сифатида ишга қабул қилиндим. Энди "нима ҳунарим бўлса, кўрсатишим" мумкин эди. Журнал топшириқларидан вақт ажратиб, ҳали тўла жиҳозланмаган хилват хонада якка-ю ягона "гарнитур" – омонат қўйилган стол-стулга ўтириб, хаёлимда пишитган режа асосида "Шахсий мулоҳаза Амир Темур излари бўйлаб ёшлар юриши уюштирилса, йўл оғир бўладими?" деб номланган мақолани қоғозга туширдим. Оддий сарғиш машинка қоғозда 7 саҳифада тиғиз қилиб ёзилган бу "асар"да ҳали бу юртларда ҳеч ким тилга олишга журъат этмаган фикрлар, мавзу қаламга олинган эди. У "Биз мустамлака азобларидан қутилиб, ўзлигимизни бироз англаш сари интилаяпмиз", деб бошларди. Мен экспедиция ташкил этишни таклиф қилиб мақола ёзганимда, балки эски, титилиб кетган тасаввурларни ўзгартиришни, Буюк Темурнинг улуғворлигини табиат гўзаллиги, тоғлар маҳобати ва йўл азоби орқали ҳиссиётларга сингдириш, ҳиссиётлар таъсирида мияни тозалашни кўзда тутгандирман.

Умуман, ўша пайтларда юзага келган вазият нимадир жиддий бир нарса содир бўлишини шивирлаб турарди: марказ жиловни қўлдан чиқариб юборган, қуйида эса турли даражадаги бошбошдоқликлар авж оларди. Ана шундай таҳликали вазиятда ғарқ бўлган одамнинг хасга илашгандаги илинжи билан киши интиутив бир тарзда ўтмишига, қайиғи йўл олган соҳилга қарар эканми, менинг Соҳибқирон бобомиз тарихига мурожаат этишимда ҳам шундай кайфият бўлгандир. Ҳатто шу мавзудаги кейинги мақолаларнинг бирида: "Ўзи айтсин ва кўрсатсин, нажот қайда?!" тарзидаги илтижолар қайд қилинган...

Унда ёзилади: "Ҳозиргача маломатлар остида қолиб келаётган буюк инсон руҳи олдидаги қасам шуки, Уни таниганларни У асрайди" Яна: "Истак отига қамчи уриб, тоғдан тоққа сакраб юрган ўсмир Темурга бошпана берган муаззам ғор остонасидаги табаррук супа устида кутиб олинган тонг яхши замон йўриғидан дарак берса ажаб эмас". Бу – нақ 100 кундан сўнг ташриф буюрадиган 1991 йил 1 сентябрь – Мустақилликнинг хабари эмасмикан?!

Эсимда, биз ғор ҳудудига 7 август оқшом пайти етиб бордик. Ҳамма чарчаган, аксарият сафардошлар сайҳонликда тонг оттирмоқчи бўлишди. Фақат 5-6 киши айрилиб чиқиб, супага кўтарилган. Ўзимиз билан дарёдан 20 литрлик идишда сув олволганмиз. Супани супуриб-сидириб, ўт ёқдик, идиши билан сувни қайнатдик, унинг тор оғзидан қуруқ чой ташлаб чой дамладик. Тун зулмати, бепоён ва номаълум чексизлик бағрида оловда ялтиллаган ғор тошларигина кўзга ташланади. Гулхан атрофидаги одамлар ўз дунёсига ғарқ, баъзан таассуротларини юзага чиқаради, хотиралар тилга киради. Мен беҳад ҳаяжондаман, ҳислар шунчалик туғёнга келганки, фақат уларни ичга ютиб, сукут сақлаб енгиш мумкин. Суҳбатдошларга она қишлоғим – Тошқўрғон ҳақидаги шеъримни ўқиб бермоқчи бўламан:

*Турнанинг кўзидек*
*оҳанраболи...*

Эҳтирослар жунбушга келиб сатрлар чалкашиб кетади.

Тун яримлагач, сафар-қопга кириб, уйқуга чўзиламиз. Бир зум ҳам ухлай олмайман, ўзимни муаззам бўшлиқда сузиб юргандек ҳис қиламан, атроф сут рангидаги оқлик билан қопланган. Уйқу ва уйқусизлик орасида тонг отади.

Сафар манзилларини муваффақиятли босиб ўтиб, 18 август куни Самарқандга, Гўримирга ташриф буюрганмиз. Шу қутлуғ даргоҳда ҳар бир иштирокчи ҳисоб берган, ўз муножотини сўзсиз ифодалаган.

Бизнинг 1-20 августдаги сафаримиз шарҳи неча тилда, неча минг варақларда битилмоқда. Мен ҳам сафаримиз ҳақида батафсил ёздим, ёзганларим "Хотира карвони" деган ном билан китоб ҳам бўлиб чиқди. Шундан бери бу мавзу қалбимнинг тотли ва соғинчли қўшиғига айланган.

Одам боласи ҳар доим ҳам таваккал қилавермайди ва қисқа умрини безайдиган теран мазмунни топавермайди. Ўша автобусда қарийб 2500 км. йўл босиб ўтилган, таассуротлар 1,5 минг метр кинолента, 9 та видеокассетада муҳрланган 20 кунлик сафарда турли вазият ва манзилларда жами иштирокчиларни, шу жумладан, мени ҳам бир нур йўлимизни, нафақат йўлимизни, балки дилимизни ҳам ёритиб юргани сезилган эди. Биз тонгдаю тунда, даладаю шаҳарда, булоқ бўйидаю ғор тубида Соҳибқирон бобомизнинг муборак номларини такрорлар, ундан мадад олар эдик. Ана шу ҳис менинг болалик туйғуларим билан вобаста бўлди, Қалъаи Шерон сўқмоқларидами, зилол дарё қирғоғидами, кўл бўйидами учратган сеҳрга яна дуч келдим ва уни кўнглимга солдим. Бу жуда катта бойлик, олтин ёмби эдики, мендек бир оддий қаламкашга илҳом бериб, муборак мавзуда қоғоз қоралаётганимнинг кучи шунда.

Холисанилло айтганда, Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг ҳаёти чинакам мўъжиза, бир инсон нималарга қодир эканини кўрсатувчи олтин тарози. Бу мўъжизадан баҳраманд бўлиш, бир-биримизни баҳраманд қилиш, дунё аҳлига унинг асрорини намоён этиш инсониятга жуда кўп эзгуликлар армуғон этиши мумкин. Афсуски, ғофил одамзот бу мўъжизага юз бурмаяпти. Демак, ҳали маърифат аҳлига кўп эҳтиёж бор. Биз ана шу йўлдамиз.

Бу мавзуда ёзган мақолаларим турли жанрларда бўлиб, энг қувончлиси – барча нашрлар уларни очиқ чеҳра билан кутиб олган, бажонидил саҳифаларида ёритган.

Тўғри, шу пайтгача кўплаб мақолаларим, эссе-роман ва яна бошқа китоблар нашр этилди. Ношукурлик бўлмасин-у, булар ҳали ҳаммаси эмас. Уларнинг энг саралари дунё халқлари тилларига таржима қилинишини хоҳлайман. Ҳали саккизинчи мўъжиза сифатида тан олинган кино санъатида амалга ошириладжак юмушлар етарли. Бу ниятларнинг ҳаммаси вақт-соати ва навбати билан амалга ошади, иншооллоҳ!

Қалб токи борлиқни тийрак ва зийрак акс эттирар экан, унинг оҳанглари, қўшиқлари ҳам муттасил таралаверади.

Мутолаа

# Маърифат манзиллари

Марказий Осиё халқлари ёзма адабиётининг тарихи икки минг йилдан зиёд даврни ўз ичига олади. Унинг илк сарчашмалари зардуштийлик динининг муқаддас китоби "Авесто" ҳамда Ўрхун-Энасой битикларига бориб тақалади.

Машҳур шарқшунос, форсий тилдаги адабиётнинг етук билимдони, матншунос, ўнлаб қадимий манбаларни илк бор илмий истеъмолга олиб кирган моҳир услубшунос Юсуфжон Салимов бутун умрини адабиётнинг етакчи жанри — наср тадқиқотига бағишлади. Ўтган йилларда "Нури маърифат" нашриёти олимнинг илмий бисотини "Умр ёдгори" номи билан уч жилдда чоп этди. Мажмуага муаллифнинг классик насрга доир тадқиқотлари билан бирга сўз санъатининг турли долзарб муаммоларига бағишланган мақолалари, тақризлари, бадиий-публицистик очерклари, назарий, илмий моҳиятдаги асарлари ҳам киритилган.



Китобни ўқиб чиққач, ишонч ҳосил қиласизки, муаллиф форс-тожик адабиётидаги наср тарихини анча жиддий, ҳар жиҳатдан мукаммал тадқиқ қилган. Мумтоз наср ишқий саргузашт, қаҳрамонлик, фантастик, ахлоқий-таълимий романлар, қиссалар, ҳикоятларга таснифф этилган, "Самаки айёр", "Ҳотамнома", "Қаҳрамони қотил", "Амир Ҳамза", "Искандарнома", "Барзўнома", "Сомнома", "Доробнома" сингари асарлар изчил ўрганилган.

Шу ўринда адиб сайёр сюжетлар асосида форс-тожик ва ўзбек адабиётида яратилган наср намуналарини кенг ўрганиш адабий ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларини аниқлаш имкониятини беражагини уқтирган.Хусусан, Муҳаммадризо Огаҳийнинг таржимонлик фаолияти, академик Бўривой Аҳмедов ижодининг айрим жиҳатлари ҳақидаги кузатишлари асосида ўзбек-тожик адабий ҳамкорлиги таҳлил қилинган.

Маълумки, аксарият тадқиқотчилар тожик ва ўзбек адабиётидаги романлар, қиссаю фантастик асарлар Ғарб адабиёти таъсирида пайдо бўлган, деган "назария"ни илгари сурадилар. Мазкур тадқиқотни синчиклаб ўқиган китобхон бу фикр асоссиз, бир ёқлама эканлигига ишонч ҳосил қилади. Зероки, олим классик насримизни бор бўйи билан таҳлил қилиб, Ғарб романлари-ю, повестларига, фантастикасига хос барча унсурлар қадимий насримизда "мана-ман" деб турганини кўрсатиб берган.

Ўтган асрнинг 70-йилларида олимнинг "Тасаввуф" номли тадқиқоти вужудга келди. Унда қўлёзма манбалар асосида тасаввуф таълимотининг пайдо бўлиши, дастлабки мутасаввуфлар, ирфон ва миллий уйғониш, тасаввуф ва бадиий адабиёт масалалари таҳлил этилган. Имом Ғаззолий, Ҳотами Тойи Андалусий сингари алломаларнинг ҳаёти ҳамда фаолияти илк маротаба кенг тарзда ўрганилган, илм-адаб аҳлига ҳадя қилинган.

Муаллиф "Форс-тожик шеъриятида адабий услуб: пайдо бўлиши ва такомили" деб номланган тадқиқотида уч услубнинг вужудга келиши, шаклланиш йўллари, ўзига хос поэтикасини ғоятда нуктадонлик билан очиб берган. Жумладан, форс-тожик классик шеъриятидаги ҳинд услубини тадқиқ этган манбашунос унинг инкишофидаги Бедил ўрнини кўрсатишга интилган. Тадқиқотни Бедилнинг нисбатан мукаммал ижодий биографияси дейиш мумкин.

"XVI-XIX асрлардаги форс-тожик адабиёти" номли фундаментал монографияда эса олим даврнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий ҳаётини анча батафсил тасвирлаган; кўплаб янги манбаларни илмий истеъмолга жалб этган. Айни пайтда рисолада Ҳилолий, Восифий, Мушфиқий, Сайидо, Аҳмад Дониш, Ҳозиқ, Мирзо Содиқ, Возеҳ каби санъаткорлар ижоди ўрганилган, таҳлил этилган. Шаҳрошуб ва Саидои Насафий ҳақидаги мулоҳазалар илмда янгиликдир.

Мажмуада Юсуф Салимовнинг ижоди, олим сифатидаги айрича сиймоси, комил инсонлик хислатлари ҳақида замондошларининг хотиралари ҳам жой олган. Самимий эсдаликлар илм манзилларини дадил босиб ўтишда беқиёс заҳмат чеккан, ўта хокисор, маърифатпарвар ҳамкасблар камолини кўзлаб яшаган, ўзбек олимларининг яқин дўсти Юсуфжон Салимов тимсолини жонлантиради, унинг хотирасини китобхонлар қалбига муҳрлайди.

**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,**
**Боқижон ТЎХЛИЕВ,**
**филология фанлари докторлари, профессорлар.**

2007-yil 28-noyabr | Mustaqil gazeta HURRIYAT O'zingni angla!

Давоми. Бошланиши 5-бетда.

# «Абдулазиз шифо нур» — замонавий марказ

Агарда 100 фоиз инсонда қулоқ эшитиши паст бўлса, уларга ёрдам бериш ҳозирги кунда бутун дунёда муаммо бўлиб турибди. Клиникамизнинг икки йиллик тажрибасидан маълум бўлдики, эшитув аппарати қўйилган болаларни нутқи анча ривожланаяпти. Чунки инсон эштиса гапиради. Агарда инсонни қулоғида эшитиш қобилияти сусайса эшитмайди.

Хорижий мамлакатларнинг кўпида 2 ойлик чақалоққа ҳам эшитув аппаратлари ўрнатилиб, уларнинг эшитиш қобилияти текширувдан ўтказилади. Борди-ю, агар гўдак қулоғида эшитиш аломатлари сезилмаса у ҳолда компьютер аудиограммаси орқали эшитиш даражаси аниқланади.

Баъзи кар-соқов болалар ана шу қулоқ касалликлари туфайли гапира олмайдилар. Биздаги замонавий аппаратлар рақамли технологиялар билан қилинган ва товуш сифатини юқори даражада кўтариб бераяпти. Бу эшитув аппаратнинг ҳеч қандай зиёни йўқ. Шифохонамизга мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ташқари қўшни Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистондан ҳам беморлар нажот излаб ташриф буюришади. Айни пайтда Сурхондарё, Хоразм вилоятларидан шундай беморлар қабулимизда кўп. Яқинда Намангандан 37 ёшли бемор келди. У қулоқлари яхши эшитмаслигидан шикоят қилди. Беморни атрофлича текширувдан ўтказдик. 60 фоизгача эшитиш даражаси пасайган экан. Ҳозирда махсус эшитув аппаратини тақиб юрибди. Унинг мамнунлигини кўрсангиз эди.



— Шифо топганимга бир йилдан ошди, — дейди Лариса опа. — Вақти-вақти билан кўрикдан ўтказиб туришади. Шифокорлар тўғри ва аниқ ташхис қўядилар. Ҳозир ўзимни яхши ҳис қилаяпман. Бу ердаги Абдусаттор, Музаффар, Миразиз, Дилфуза ва Дилафруз каби ўз ишининг устаси бўлган шифокорлардан миннатдорман. Мен уларни ҳалол, қўли енгил, талабчан бўлгани учун хурмат қиламан. Бу ерда ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Эшитув аппаратлари ҳозирча фақат ушбу марказдагина бор экан. Бу маскан мамлакатимизда ягона, янги замонавий шифохонадир.

— Фарзандларимизнинг соғлом бўлиши аввало оналарга боғлиқ, деб ўйлайман, — дея сўзида давом этади Абдусаттор ака. — Яқинда бир қизиқ воқеа бўлди. Иккита она олти ёшли ўғлини олиб бир пайтда келишди. Бир вақтнинг ўзида иккаласига ҳам бир хил ташхис қўйдик. Уларнинг қулоқларига текширувдан сўнг эшитув аппарати қўйиб қўйдик. Биринчи она рус миллатига мансуб эди. У ҳар доим эринмай эътиборли бўлиб, фарзандига ёрдамлашди. Ундан аппаратни мунтазам тақиб юришини талаб қилди. Ҳар куни бир-иккита сўзларни қайтартириб турди. У фарзандини сурдо педагогларга олиб бориб мунтазам равишда улардан сабоқ олдирган. Шуни алоҳида айтиб ўтишимиз кераккки, қабулимизга ташриф буюрган ҳар бир бемор ташхиси аниқ бўлганидан кейин ушбу аппаратни тақиб албатта сурдо педагоглардан сабоқ олиши шарт. Олти ойдан кейин яна қайта кўрикка келишди. Натижада боласи қийналиб бўлса-да гапираяпти. Юқорида айтганимдек, шу куни иккинчи корейс миллатига мансуб бўлган она ҳам боласини олиб келганди. Бу аёл умуман боласига мосламани тақтирмаган. Ҳар хил одамларнинг фикрларига қулоқ солиб, шуғулланмаган. Унинг фарзанди умуман гапира олмаётир. Бу болада биз ҳеч қандай ижобий ютуқларни кўрганимиз йўқ. Ана кўрдингизми, — дейди шифокор куюниб, инсоннинг соғ-саломатлиги ўз қўлида. Ҳозирги кунда дунё бўйича 6 фоизгача инсонлар эшитиш пастлиги учун азият чекишмоқда.

Назаримизда ушбу марказдаги замонавий тиббий жиҳозлар беморлар эшитиш даражасининг энг муҳим гаровидир.

Эндигина ўз фаолиятини бошлаган "Абдулазиз шифо нур" маркази пойтахтимиздаги Олой бозори атрофида ўз филиалини очиб иш бошлади. Биз ушбу марказ ходимларининг иш фаолиятини кузатар эканмиз, улар келажакда яна қанчадан-қанча беморлар дардига малҳам бўлади, деган умиддамиз.

**Дилфуза МИРЗАКАРИМОВА** ®

Саломатлик

# Нафосат ва маҳорат кўриги



Мамлакатимизда оммавий спортни ривожлантириш, хусусан, аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилаётган эътибор самараси ўлароқ, юртимизда синхрон сузиш ҳам жадал ривож топиб бораётир. Жойларда қурилаётган сув спорти саройлари ушбу рақсга қизиқувчи қизлар учун имконият эшикларини очмоқда.

Шу билан бирга, мазкур спорт тури бўйича халқаро мусобақаларни юртимизда ўтказиш борасида ташаббус кўрсатилаётгани ҳам унинг ривожида муҳим ўрин тутаяпти. Бугун пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасининг сув саройида бошланадиган «Сув париси» халқаро турнири шундай нуфузли мусобақалар жумласидандир.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу турнирга ўзбекистонлик қизлар терма жамоа бош мураббийи Галина Краснова бошчилигида ҳозирлик кўришди. Улар бу сафар Словакия, Россия, ва Қозоғистондан келган қизлар билан беллашади.

Шунингдек, мусобақа доирасида иккинчи «Гимнастрада» фестивали ҳам бўлиб ўтади. Унда спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика, акробатика, аэробика билан бир қаторда фольклор, замонавий рақслар ҳамда фитнес бўйича чиқишлар бўлиши кутиляпти.

# Қуръа ташланди

Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида 2010 йилги жаҳон чемпионати саралаш баҳсларига қуръа ташланди. Унда дастлабки босқичларда сараланган Осиёнинг 20 терма жамоаси 5 гуруҳга бўлинган ҳолда курашни давом эттириши маълум бўлди.

Қуръа натижаларига кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси D гуруҳида Саудия Арабистони, Ливан ҳамда сингапурликларга қарши баҳс олиб боради. Футболчиларимиз дастлабки учрашувни келгуси йилнинг 6 февралида сафарда Ливан терма жамоаси билан ўтказади. Кейинги ўйин эса 26 март куни пойтахтимизда Саудия Арабистони вакилларига қарши кечади.




Ушбу икки учрашувда терма жамоамизнинг ғалаба қозониш учун яхши имкониятга эга эканлиги 19 октябрда саудияликлар майдонига устунлик билан боришимизни таъминлайди. Ливан ва Сингапур терма жамоаларининг бу босқичда илк бор иштирок этаётганликларини ҳисобга олсак, гуруҳдаги икки йўлланма Саудия Арабистони ва Ўзбекистон футболчиларига насиб этишини тахмин қилишга асослар етарли.

Спорт

# Австралия мезбонликка даъвогар

Жаҳон чемпионати яқинлашгани сари навбатдаги мундиал мезбонларини аниқлаш масаласи ҳам кун тартибига қўйилди. Эътиборлиси, бу баҳсда кунчиқар қитъа футболи вакили Австралия ҳам бор.

ФИФАнинг ёзилмаган қоидасига кўра, чемпионат мезбонлиги қитъалараро "сайр" қилиб юриши керак. Ёдингизда бўлса, бундай катта футбол байрами Осиёга 2002 йили ташриф буюрганди. Кейин Европада (Германия-2006), энди Африкада (ЖАР-2010) бўлиб ўтиши кутилаяпти. 2014 йилги мундиал эса Жанубий Америка қитъасида ўтказилиши аллақачон маълум бўлган. Шу нуқтаи назардан қараганда, 2018 йилги чемпионат мезбонлигига Осиё вакиллари даъвогарлик қилиши мумкин.

ОФК президенти Муҳаммад бин Ҳаммамнинг таъкидлашича, бу режанинг амалга ошиши қитъамиз футболи ривожини янги босқичга кўтаради.

**Фазлиддин СУЮНОВ.**

Учрашув

***Санъат миллат танламайди. Қалбларни қувончу шодликка тўлдирувчи хонанда, созанда — сўнган умидларга жон фидо қилади. Илоҳий оҳанглар гирдобида асрлар қаъридаги дарду ҳасратларини аритади. Аслида руҳнинг озиғи илоҳий куйда. Созанданинг сози қанчалик дардлироқ чертилса, яраланган юракларни қуёшдек эритади. Дард аҳлига ҳаёт бағишлайди.***

***Халқимизнинг устоз санъаткорларидан бири Турғун Алиматовнинг наволарини булбулнинг хонишига қиёслаш мумкин. Бу хониш шунчаки садо эмас, мозий қаъридан бамисл абадият сарҳадларидан отилиб чиққан фиғон, муножотдир. Муножотни эса шунчаки тинглаб бўлмайди.***

# Танбур навоси дилларга туташ

***— Турғун ака, нега айнан қўшиқчи ёки бастакор эмас, созандаликни танладингиз?..***

— Отам раҳматликни "Алмат танбурчи" дейишарди, санъатни яхши кўрганлар. "Дутор навоси"ни отамдан ўтказиб чаладиган созанда бўлмаган. Отамнинг наволарини эшитиш учун маҳалладошлари "Кўктерак чойхонаси"га жуда кўп таклиф этишган. Ҳар доим дўстлари, улфатлари орасида хушфеъл одам бўлган. Айтишларича, атоқли ёзувчи Абдулла Қодирий ҳам ўша чойхонага кўп келиб турар эканлар. Отам дўстларига танбур чалиб берар, мен эса чеккада тортинибгина эшитиб турардим. Бу менга жуда ёқарди. Уйимизда ҳар доим дутор билан танбур осиғлик турарди. Танбурга меҳр қўйганимда созанда қандай одам бўлиши керак, созанда ўзи ким, деган саволга тушунчам етмасди. Шунга асосланиб дейманки, созандаликка бўлган қизиқишим менга отамдан ўтган. Отам созандаликка бўлган ҳавасимни сезиб, танбур, дуторнинг сир-синоатини қунт билан ўргатди. Тўй-ҳашамларда, сайлу байрамларда соз чалиб, халқнинг эътиборига тушдим. Минг йиллардан бери сеҳрли оҳанг таратиб келаётган халқ куйларини қизиқиб ўргандим. Ўша пайтларда ҳам ҳозиргидек созандалар саноқли эди. Агар даврада "Тановор", "Муножот" янграйдиган бўлса, ҳамма берилиб тингларди. Ўша пайтнинг одамлари шашмақомни тушунарди, маъно-мантиғига етарди. Ҳозир ҳам халқ куйларининг ихлосмандлари топилади. Лекин халқ куйларини ривожлантириб, жаҳонга олиб чиқиш керак. Масалан, жаҳонда "Муножот" каби дардчил, ғамнок, сеҳрли куй йўқ. Бу куй — олтин хазинамиз, асраб-авайлашимиз керак.

***— Созанда бўлиш учун қайси илм даргоҳида таҳсил олдингиз?***

— Тошкентдаги "Ишчилар факультети билим юрти"да уч йил таҳсил олдим. Ўқишим тугаб, энди Эски Жувадаги "Ёшлар театри"га ишга кирдим. Тўсатдан 1941 йилнинг тала-тўпи бошланди. Уруш ҳаётимда туб бурилиш ясади. Мен созандаликни бир четга қўйиб, она-Ватанимни ҳимоя қилгани урушга кетдим. Урушда қанча-қанча дўстларимни йўқотдим. Уйга хат ёзганим билан бормасди. 1942 йилда жангда оёғимдан ярадор бўлиб, Москвадаги госпиталга тушдим. Онамнинг ёлғиз ўғли бўлганим боис, мени шифохонадан тўғри уйга юборишди. Уйга келсам, онам мендан умидини узган эканлар. Мени кўриб қувончи еру кўкка сиғмаганди. Соғлигим тиклангач, танбурни яхши билганим учун яна "Ёшлар театри"да созанда бўлиб ишлай бошладим.

***— Демак, сиз "Ёшлар театри"га ишга келмасдан олдин шаклланган созанда бўлган экансиз, бу даргоҳ сизни нима билан бойитди?***

— Театр ёшларбоп бўлганлиги боис, талабистак ҳам шунга яраша бўлган. Ўша пайтларда Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, Ғанижон Тошматов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Саодат Қобулова, Ҳалима Носирова каби кучли санъат аҳли билан кўп гастрол сафарларда бўлганман. Театрда иш бошлаганимга кўп бўлмасдан туриб, мени Муқимий номидаги мусиқали драма театрига ишга таклиф этишди. У ерда дутор, скрепка ҳам чалдим.

***— Халқимиз барибир сизни машҳур танбурчи сифатида тан олади. Наволарингиз аллақачон ўзбек санъати хазинасидан мустаҳкам ўрин олди. Куйларингизни ўзига хослиги ҳақида гапириб берсангиз?***

— Соз чалаётганимда ўша замон билан ижро этаётган куйнинг мазмуни билан яшайман. Мана "Тановор"ни олинг. Бу куй халқимизнинг севимли қўшиғи, қолаверса, миллий ифтихоримиз. Асосан бу куй водийда туғилган. "Тановор"нинг неча хил шакллари бор, билсангиз. Маҳоратли санъаткор Меҳри Абдуллаевага етказиб, ҳозирга қадар ҳеч ким айтолмайди "Тановор"ни. Ҳар гал "Чоргоҳ", "Наво", "Муножот"ни чалганимда ўзим ҳам сеҳрланиб қоламан. Қаерда эканлигимни унутиб қўяман. Тингловчиларни ҳам дунё, бола-чақа, рўзғор юмушларига чулғаниб кетган бутун борлиғини бир муддат унутиб яшашга чорлайман. Ахир ўзбекча куйлаш, соз чалишнинг ўзи бўлмайди. Ҳар қандай куйни маромига етказиб куйлашни билганни хорижликлар ҳам эъзозлайдилар.

***— Суҳбатимиз асносида хорижий сафарларингиздаги унутилмас воқеалар ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз...***

— Энг катта яккахон концертим Франциянинг "Де Ля Влл" шаҳрида бўлган. Борсам, Париж кўчаларида расмим осилиб қўйилибди. Ўзбекистон ҳақида яхши гаплар ҳам ёзилган экан. Ростини айтганда, аввалига европалик қўшиқ мухлислари бизнинг дастуримизни тинглармикан, деган хаёлга борганман. Аммо бир ярим соат дутор, танбур, сатода чалган куйларимни эшитиб, тингловчилар ўрнидан турмади. Ижромизни зўр олқишлар билан тингладилар. Концерт тугагандан кейин "Томоғингизда микрофон борми?" деб қарашганлар ҳам бўлган. Франция радиосининг "Аккорд" овоз ёзиб олиш студиясида икки кун кетма-кет ижромизни 90 дақиқалик компакт дискка ёзиб олишди. Дискни Европа, Осиё, Америка Қўшма штатларининг сстувида чиқаришди. Жан Пол Дюран, Теодор Лэвин каби етук мусиқашунослар билан учрашувлар ўтказилди. Шундан сўнг "Радио Франс", "Либерал газета", "Паритматч" каби матбуот хизматларидан келиб, ўзбек миллий мақом санъати ҳақида суҳбатлар ёзиб олишди.

***— "Турғун ака соз чалганда торга келиб қўнган қушлар ҳам қўшилишиб хониш қилармиш..." деган гаплар қулоққа чалинарди. Бу қанчалик ҳақиқат?***

— Сизга бир воқеани айтиб берсам. Бир куни уйимда танбур чалиб турсам, қизим телеэкранга туширгани мухбирлар келганлигини айтди. Эшик аста очилиб, меҳмонлар киришди. "Тановор"ни чалишдан тўхтамасдим. Бир пайт деразадан бир гала қуш пир этиб хонага кирди. Мухбирлар ҳайратдан ёқа тутиб, экранга олишди. Бу ҳолат ўзимни ҳам таажжубга солди. Балки куйларда қушларнинг ҳам бизга тушуниксиз дардлари бордир. Яна ким билади дейсиз.



***— Фахриддин Содиқов яратган "Эй сабо" куйини чалганингизда халқ орасида жуда машҳур бўлиб кетган экан. Муаллиф бундан ранжимаганмиди?***

— Ўшанда халқимиз "Эй сабо"ни пластинкаларга ёздириб, тингларди. Куйни мен чалганимдан кейин машҳур бўлиб кетганлигини эшитган Фахриддинжон келиб "Мен куй яратдим, сиз жон ато этдингиз", деб чин юракдан қутлаганди. Бундан бошим кўкка етган. Санъаткор бир-бирини инкор этиш эмас, фикр алмашиши керак деб ўйлайман. Ёлғиз одам бахтли бўлолмагани сингари ёлғиз ижодкор ҳам ҳеч нарса яратолмайди. Ҳамжиҳатликда гап катта-да қизим.

***— Ҳозирги созандалар ҳақида нима дея оласиз? Уларнинг қайси жиҳатлари сизга маъқул?***

— Санъат бу эл масъулиятини олишдир. Кейин санъат бебаҳо мулк, уни сотиб олиб бўлмайди. Қўлингга дутор, танбур ёки ғижжак олдингми, уддаласанг чал, бўлмаса бошқа касб танла, дейман кўпгина ҳаваскорларга. Баъзи бир санъаткорлар чет элга борсалар, ўша мамлакатнинг куйларидан ажнабий мусиқаларни чалиб қойил қолдирмоқчи бўлишади. Миллий мусиқамизни обрўйи ҳақида ўйлашмайди. Мен ёш созандаларга ҳар доим уқтираманки, дутор, танбурни яхши ўрганиб олинглар. Агар қунтингиз етмаса йиғиштириб қўя қолинглар. Шогирдларим ичида халққа "ярқ" этиб кўринган Ҳасан Ражабий, Аброр Зуфаров каби созандалар дуторни эзиб, нола берадиган жойда нола, "гапирадиган" жойида "гапиртириб" юборади. Муғаннийлик, мутрибликнинг илҳом олами турфа. Буни эгаллаш учун инсонга Аллоҳ томондан берилган сезги, идрок, қобилият, ақл, фаросат ва билим керак. Ўзим консерваторияда талабаларга таҳсил бериш жараёнида созандаликка қизиқадиган кўп ҳаваскорларни учратаман. Улар санъатнинг машаққати-ю қийинчилигидан қочмасалар келажакда яхши созандалар етишиб чиқишига ишонаман.

***— Сиз санъатдаги ҳаётингиз билан санъатимиз тарихига айландингиз. Бошингиздан кўп машаққатларни ўтказдингиз. Урушнинг даҳшатли манзараларини кўзингиз билан бориб кўрдингиз. Айтмоқчиманки, озодлик нашъасини, эрк сурурини энди ҳис этяпсиз. Мустақилликнинг нишонасига эса 16 йил бўлди. Мана шу қутлуғ йиллар сизга қандай туйғуларни инъом этди, қандай қирраларингизни очишга ёрдам берди?***

— Илгари бизда чет элга чиқиш қайда эди?! Қадимий классик мусиқаларимизга беписанд қарарди. Эҳ, сиз билмайсиз, не савдолар кечмади, дейсиз бу бошимдан. Ҳаётнинг ўз қонунлари бор экан. Севги, муҳаббат бўлса-ю, бахтинг чопса-ю, ташвиш бўронлари бўлмаса. Ҳаётнинг ҳам қизиғи бўлмайди. Қўшиқ ҳам, куй ҳам шундай. Санъатга чанқоқ йигитлик даврларим, магнит тасмасига қадимий куйларни ёздириб қўяй деб кўп ҳаракат қилдим, аммо уринишларим зое кетди. Негадир йўл беришмади. Қатъий талабларимдан сўнг бир-икки бор ёздирдим ҳам. Аммо Бадиий кенгашда қабул қилишмади. Турли баҳоналар топиб, икки марта ишдан бўшатиб юборишди. Устоз Юнус Ражабийга минг-минг раҳмат, жойлари жаннатда бўлсин. Ҳақиқий санъат шайдоси эди у инсон. Уйимга одам юбориб, қўярда қўймай ишга олиб келдилар.Бадиий кенгаш йиғилишига келинг, дутор, танбур, сатоингиз билан дейишди. Ўшанда дуторда "Дутор навоси"ни чалиб бергандим. Шунда Дони Зокиров: "Дутор навоси"ни жуда нозик ижро этдилар, танбурда эса бу кишининг олдига тушадиган созанда йўқ. Сатони Турғун Алиматовдан бошқа одам чала олмайди, — деганди. Шундай бўлса ҳам бирорта пластинка чиқара олмадим.

Мустақилликдан ўргилай, ўзбекча куйларимизнинг замони келди. Мени консерваторияга профессор қилиб олишди. Элюртга қилган хизматларимни инобатга олишиб давлатимиз "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирлади. Меҳнатим қадр топди. Мана кўриб турибсиз, ҳуррият замонида иззат-икром кўрдим. Мен учун энди истиқлолнинг барча йўллари очиқ. Лекин минг афсуски, қариб қолдим. Халқимизга ҳали чалиб берадиган куйларим бор.

Атоқли созанда Турғун Алиматов суҳбат давомида дуторни олиб "Муножот"ни чалиб бераётганда худди илоҳий бир куч уни илҳомлантираётгандек туюлди менга. Ҳали юраги завқ-шавққа, илҳомга тўла устоз санъаткоримизга соғлиқ-омонлик тилаб хайрлашдим.

**Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.**

Фикр

**Рост сўзлаётган одамнинг қудрати арслоннинг қудрати билан баробардир.**
**Аз-ЗАМАХШАРИЙ**

Хандалар

# «Гугурт билан ўйнаш яхши эмас»

Хотин эрига деди:

- Мабодо бошқа кишига эрга тегиб кетиб қолсам ачинасизми?

- Нега энди, бегона эркакка ачинишим керак?

x x x

**Тиқилинч автобусда зўрға бир оёқда турган йўловчи пўписа қилди:**

**- Агар сал сурилиб менга жой бермасанглар бошларингга чиқиб кетаман.**

**Автобусдаги тепакал бир киши бошини силаб, ғўнғиллади:**

**- Бошга чиқармиш, қани чиқиб кўр-чи, сирпаниб кетарсан!**

x x x

Ширакайф бир одам кўчада туриб бақирарди:

- Одамлар! Ҳой одамлар!

-Кўпқаватли уйлардаги одамлар хавотир билан чироқларини ёқиб, деразадан пастга қарашди:

- Тинчликми? Нега бақиряпсан?

- Узр, соат неча бўлди?

- Соат уч бўлди! Нима керак ўзи сенга?

- Ие, соат уч бўлса нега ухламаяпсизлар?!

x x x

**- Нега кеча хотинингга қаттиқ бақирдинг?**

**- У мен берган пулни нимага сарфлаганини айтгиси келмади.**

**- Бугун кечагидан ҳам қаттиқроқ бақирдинг-ку?!**

**- Бугун у пулни нимага сарфлаганини айтди.**

x x x

**Жанжал авжида хотин эрига деди:**

**— Сенга турмушга чиққандан кўра алвастининг ўзига текканим ҳам афзалроқ эди.**

**— Бунинг иложи йўқ эди, — деди эр ҳотиржам оҳангда. — Яқин қариндошларни ўзаро никоҳдан ўтказишмайди.**

x x x

Ота кичкинтой ўғлига танбеҳ беряпти:

- Гугурт билан ўйнаш яхши эмас.

- Мен ўйнаганим йўқ, сигаретимни тутатиб олмоқчи эдим.

**Шодмон ОТАБЕК тўплаган.**

HURRIYAT Mustaqil gazeta O'zingni angla!

**Муассис:** Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:** Абдурасул ЖУМАҚУЛ

**Таҳрир ҳайъати:** Хуршид ДЎСТМУХАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

*Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

**Таҳририят манзили:** Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

**Тел-факс:** 133-36-02. **Тел:** 136-53-31, 136-53-38, 136-75-15

**Реклама ва маркетинг бўлими:** 136-56-38

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**

**Бухоро** — 8-365-715-30-57
**Наманган** — 8-369-412-31-54
**Самарқанд** — 8-366-233-62-12
**Сирдарё** — 8-367-374-81-53
**Сурхондарё** — 8-376-335-10-22
**Тошкент** — 8-370-762-16-86
**Фарғона** — 8-373-225-80-58
**Хоразм** — 8-362-226-20-80
**Қашқадарё** — 8-375-221-78-50
**Қорақалпоғистон** — 8-361-55-428-97

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**

**Навбатчи:** **Фаррух ЖАББОРОВ**

**Топшириш вақти** — 21.00
**Топширилди** — 23.45

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-1054 Т: 2266 1 2 3 4 5